Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 199 (10.195).

1991 йил 15 октябрь сешанба

Баҳоси 8 тийин.

Вилоят ижтимоий-сиёсий рўзномаси

ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ВА РСФСРНИНГ КЕМЕРОВО ВИЛОЯТИ ЎРТАСИДА ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДА ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

ХАЛҚ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши раиси С. Д. Сайдалиев ва халқ депутатлари Кемерово вилоят Кенгашининг раиси А. М. Тулеев имзо чеккан бу шартнома ҳар иккала томоннинг фикрига кўра Тошкент вилояти ва йирик саноат шаҳри бўлган Кузбасс ўртасида ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришда янги имкониятларни очади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, имзоланган шартноманинг биринчи бандидаёқ Тошкент вилояти ва Кузбасс ўртасидаги иқтисодий ва товар айирбошлаш бўйича узоқ муддатли алоқаларга таянган ҳолда 1991—1992 йилларда ҳам хом ашё, маҳсулот ва товар етказиб бериш ҳамда айирбошлаш бўйича ўзаро ҳамкорлик сақланиб қолади. Шу билан бирга ўзаро иқтисодий алоқаларга ҳалақит бераётган турли тўсиқларга барҳам берилади. Аксинча, ҳозирги кунда зарур бўлиб турган ўзаро алоқа кенгаяди. Бунинг учун барча имкониятлар мавжуддир. Бу имкониятлардан фойдаланиш Тошкент вилояти ва Кузбасс аҳлининг фаровонлигига хизмат қилиши Тошкент ва Кемерово вилоятлари делегацияларининг учрашувида бир неча бор таъкидланди.

Ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолашга бағишланган тантанада Кемерово вилояти маъмурияти бошлиғининг ўринбосари Н. К. Крушинский ва Тошкент вилоят ижроия қўмитаси раиси Э. М. Рўзиев ўртоқлар иштирок этдилар.

Шу куни А. М. Тулеев ва С. Д. Сайдалиев ўртоқларни Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов қабул қилди. Суҳбатда Ўзбекистон Республикаси вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов иштирок этди.

СУРАТЛАРДА: (юқорида) учрашув пайти; (пастда) шартнома имзоланмоқда.

В. ТУРАЕВ суратлари.

• *Уч хушхабар* — *Ҳосил—91*

МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

● ЎРТА ЧИРЧИҚ ноҳиясидаги яна уч хўжалик — А. ИКРОМОВ, ЛЕНИН ва ОХУНБОБОЕВ номли жамоа хўжаликлари пахтакорлари зафар қучдилар. Акмаликромовликлар 840 гектар пахта майдонидан олинган ҳосилдорликни 27 центнерга етказишга муваффақ бўлдилар. Эл хирмонига 2265 тоннадан ортиқ пахта тўкилди.

Режани тўлдиргунга қадар бўлган ҳосилнинг 92 фоизини машиналар ёрдамида териб олдилар. Мавжуд 18 та терим машинасининг ҳар биридан ўртача 110 тоннадан пахта терилди. Бу борада механизаторлардан А. Ғойипов (180 т.), М. Ҳамроев (172 т.), Х. Раймқулов (152 т.) лар алоҳида жонбозлик кўрсатишди. Бугунги кунда акмаликромовликларга ҳар қанча ғурурланиш, шоду-хуррамлик ярашади. Чунки хурсандчиликлари ҳалол меҳнатлари шарофати туфайли бўлмоқда.

— Ҳамма гап ишнинг бамаслаҳат ташкил этилганлигида деб биламан, — дейди жамоа хўжалиги бошқарувининг ёш, ғайратли раиси Абдукарим Тошматов. —Ҳосилни етиштириш ва йиғиштиришда техника имкониятларидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилдик. Ҳар бир гектар ердан олинган ҳосилдорлик 32 центнерданга тўғри келди. Бу кўрсаткич бизни амалга ошираётган ишларимизни яна бир бор таҳлилдан ўтказишга ва янада самаралироқ натижаларга эришишга ундайди. Далалардаги пахта гектар бошига олинадиган ҳосилдорликни ошириш имконини беради. Буни тўлиқ амалга ошириш учун реал имкониятларимиз етарлидир.

Ленин номли жамоа хўжалиги аъзолари ноҳияда учинчи бўлиб маррага етиб келдилар. Улар 2400 тонна пахта топшириб, ҳосилдорликни гектар бошига 27 центнерга етказишди. Режани уддалашда А. Бобоназаров, А. Сиддиқов, Т. Эргашев бошлиқ бригада аъзолари, Т. Туёқбоев (150 т.), А. Ҳасанов (125 т.) каби механизаторлар муносиб улуш қўшишди.

Охунбобоев номли жамоа хўжалиги пахтакорлари эл хирмонига 1800 тонна пахта топшириб, кўзланган маррага етиб келдилар. Йиғиштириб олинган ҳосилнинг 80 фоиздан кўпроғи мавжуд 30 та терим машинаси ёрдамида йиғиштириб олинди. Йиғим-терим иштирокчилари ҳосилдорликни 30 центнерга етказиш учун ҳаракат қилишяпти. СУРАТДА: Охунбобоев номли жамоа хўжалигининг трактор ҳайдовчиси Тўлаган Ҳатамов ва бригадир Қурбонали Жўраев.

Сураткаш А. МАЛЬЦЕВ.

ЎЗ ЎРНИ БОР

ПАХТА ҳосилини йиғиштириб олишда техниканинг ҳам, теримчиларнинг ҳам ўз ўрни бор, албатта. Техника имконияти ва инсон меҳнатининг ҳамкорлигисиз бунёд этилажак юксак хирмонни тасаввур қилиш қийин. Бу омилга Чиноз ноҳиясидаги Собир Раҳимов номли жамоа хўжалигининг Рўзимуҳаммад Замонов бошчилик қилаётган бригадада алоҳида эътибор берилмоқда. Жамоа аъзоларининг ҳаракати туфайли терим суръати кун сайин ўсиб бормоқда. 63 гектар пахтазорнинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил олишни ният қилган деҳқонлар ҳар бир дақиқани ғанимат билиб, етиштирилган ҳосилни қисқа муддатларда, ёғинсочинга қолдирмай йиғиштириб олишга ҳаракат қилмоқдалар. А. Шарипова, Ҳ. Азизова сингари кунига 120—140 килограммдан пахта тераётган теримчилар сафи кун сайин кенгаймоқда.

А. ОБИДОВ.



ДЕҲҚОН МЕҲНАТИГА КУЙМАСИН

ИЛГАРИ хабар берганимиздек, йил бошидан вилоятимизда шахсий ёрдамчи ва фермер хўжаликларн уюшмаси иш бошлаган эди. Хўш, унинг жойлардаги тармоқлари қандай ишларни амалга оширмоқда? Жамоатчи мухбиримиз Қибрай ноҳиясидаги «Қизил Ўзбекистон» жамоа хўжалигида жойлашган Матқобулов номли қишлоқ шўросида бўлиб, уюшма раиси Абдуҳаҳҳор АБДУРАҲИМОВ билан суҳбатлашди.

— Абдуҳаҳҳор ака, дастлаб уюшманинг ўз олдига қўйган мақсадлари ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Ўзингизга маълумки, ноҳиямиз боғдорчилик ва сабзавотчиликка ихтисослашган. Хўжаликларда етиштирилаётган ноз-неъматлар билан бир қаторда шахсий томорқаларда ҳам бу соҳага эътибор ортиб бормоқда. Боз устига катта тажриба ҳам бор. Уларга енгиллик ва шароит яратиб бериш биринчи галдаги вазифадир. Деҳқон қилган меҳнатига куймасин. Мўмай даромад кўрсин. Шунинг учун уюшма шахсий томорқа эгаларига ёрдам ва мадад берадиган ташкилот ҳисобланади. Уюшмамизнинг яна бир муҳим жиҳати аҳолини сут ва гўшт маҳсулотларига бўлган талабини қондиришдир. Шу билан бирга кичик истиқболли корхоналар очиб, халқ истеъмол буюмлари мўл-кўллигини таъминлаш ҳамда ишсизликнинг олдини олишдир.

Ҳозирги кунда 237 минг сўмлик маблағга эгамиз. Маълум қисмига 27 бош қорамол сотиб олиб, 4 та фермер хўжалиги ташкил этдик. Аҳолига 4 тонна қунжара сотилди. Бартер усулида четдан 2 минг куб метр ёғоч олиб келиб, аҳолига сотмоқчимиз. Яқин орада Хитойдан кичик тракторлар олиб келамиз. Келгусида аҳолига кўмак бўлсин учун механизмлар комплекси жорий этилади. Бундан томорқа эгалари ва фермерлар фойдаланади. Бу эса уларни ортиқча сарф-харажатлардан ҳоли қилади.

— Қишга тайёргарлик қандай бормоқда?

— Қиш яқинлашиб қолди. Шунинг учун 100 тонна пиёз ва 20 тонна буғдой ғамланди. Бу кам албатта. Имкониятлар ҳам бор. Яна кўпроқ буғдой жамғаришимиз керак. Қирғизистон жумҳурияти билан шартнома туздик, 20 тонна картошка олиб келиб қишда арзон нархда сотишни режалаштирдик. Аҳолининг асосий озиғи ҳисобланган гуручни ҳам четдан олиб келмоқчимиз.

— Уюшманинг ўз олдида муаммолари ҳам бўлса керак. Уларни бартараф қилиш учун нималарга эътибор берилянти?

— Тўғри айтдингиз. Муаммосиз иш бўлмайди. Уни ўз вақтида ҳал қилиб бориш эртанги натижадан дарак беради. Бизда маблағ билан боғлиқ бўлган муаммолар мавжуд. Очиғи пул ўтказиш йўли билан ҳеч бир хўжалик ёки бошқа ҳудудлардагилар ҳам мол бермайди. Бозордагиларнинг эса пул ўтказадиган ҳисоблари йўқ. Бунинг устига деҳқонларга қарз пулини, «ссудани» нақд пул билан беришни йўлга қўйиш керак. Фермер хўжалигини ривожлантириш учун ер муаммоси ҳам кўндаланг бўляпти. Четдан қорамол ва бошқа буюмлар сотиб олиб келишда ҳам айрим тўсиқлар мавжуд. Аҳолидан сотиб олинаётган сутнинг нархини ошириш лозим деб ўйлайман. Бу моддий манфаатдорликни оширади. Сут топшириш миқдори кўпаяди.

Суҳбатдош Т. ЕРҚУЛОВ.

ТЕРИМ ИЛҒОРЛАРИ

● ОҚҚУРҒОН ноҳиясидаги Сегизбоев номли шўро хўжалиги пахта далаларида кўпмингкилограммчи теримчилар сони кун сайин ортиб бормоқда. Хўжаликнинг 4-бўлимида меҳнат қилаётган Олимжон Ҳоликулов, Ойжаҳон Сарибоева, Лилия Абитова ва Юлдуз Ҳайитбоевалар кунига 140—150 килограммдан пахта теришмоқда. Уларнинг ҳар бири мавсумда 5 тоннадан пахта теришга аҳд қилганлар.

ҒАНИЖОН машҳур пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, марҳум Назарали ота Ниёзов фарзанди. У ота изидан борди. Кўп йиллар Н. Ниёзов номли жамоа хўжалигида сувчи бўлиб ишлади. Айни кунда у ижарачи деҳқондир.

— Ижаранинг афзалликлари кўп,— дейди Ғанижон Ниёзов. Лекин ҳосилнинг мўл, даромаднинг мўмай бўлиши ижарачининг ўзига ҳам боғлиқ. Оиламизда кўпчиликмиз. Шунинг учун ўтган йили ижарага ер олиб ишлашга қарор қилдик. Хўжалик билан шартнома тузилди. Анча қийинчиликлар бўлишига қарамасдан, меҳнатимиз зое кетмади. Биринчи йилиёқ ҳосил мўл бўлди, мўмай даромад олдик.

КУЧЛАРНИ БИРЛАШТИРАЙЛИК

Бу йил 4 гектарда пахта, картошка, сабзавот ва мева етиштирдик. Ижара пудратига ўтган деҳқоннинг қўл меҳнати кескин ортар экан. Сабаби керакли техникани ўз вақтида доим ҳам тополмайди. Шунинг учун ҳар бир ижарачи ихтиёрига зарур техникалар бериб қўйилиши керак. Қанийди кичик тракторлар бўлса?!

Ижарачи деҳқон катта меҳнат эвазига ҳосил етиштиради. Бироқ, маҳсулотни қабул пунктига топширишда қийналмоқдалар. Юқори ташкилотлар кўпинча шартномадаги шартларни бажармайдилар. Тайёрлов идораларининг ўзлари даладан маҳсулотни қабул қилиб олса, яхши бўларди. Шунда деҳқон учун қимматли вақт тежаларди. Маҳсулот стандартга тўғри келмайди, деган сўзларга чек қўйиларди. Энг муҳими ҳосил нес-нобудгарчилиги олди олиниб, дастурхонга сифатли тарзда тортиқ этиларди.

Уруғчилик борасида ҳам муаммолар талайгина. Аввало керакли уруғни вақтида ололмаяпмиз. Бунинг устига нархи баланд, сифати жуда паст. Уруғчиликка эътибор ортиши керак.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харид нархлари ошди. Шу билан бирга техника, ёнилғи, ўғит ва бошқа саноат маҳсулотларининг нархи ҳам икки-уч баробар кўтарилди. Оиламиз йил охирида қўшимча атиги 1,5 минг сўм даромад қиляпти. Бу пул билан ҳозирги шароитда рўзғорни тебратиш қийин. Ижарачи олдида талайгина тўғаноқлар бор. Уларни бартараф этиб боришда куч-ғайратларни бирлаштиришимиз зарур. Токи ижарачи зарар кўрмасин.

Ҳ. МИРЗАЕВ, Янгийўл ноҳияси.

ОБУНА-92

Тошкент ҳақиқати

ҚАДРДОН РЎЗНОМАНГИЗГА ЁЗИЛИШНИ УНУТМАНГ!

1992 йил учун рўзнома ва ойномаларга обуна давом этмоқда. Бошқа нашрлар қатори «Тошкент ҳақиқати» рўзномасига ҳам барча алоқа бўлимларида обуна қабул қилинмоқда.

«Тошкент ҳақиқати»нинг бир йиллик обуна баҳоси — 25 сўм 68 тийин, ярим йилга 12 сўм 84 тийин, уч ойга эса 6 сўм 42 тийин.

Ҳурматли муштарийлар! Фурсат ғаниматлигида ўз рўзномангиз — «Тошкент ҳақиқати»га обуна бўлишга шошилинг!

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ЖАМҒАРМАСИГА

Ўзбекистон Республикасида ишсизликдан ҳимоя қилиш Бутуниттифоқ ижтимоий жамғармасининг бўлими ташкил этилганлиги ишсизлик келтириб чиқарган ижтимоий кескинликни юмшатишга қаратилган тадбирлардан бирига айланди.

Республикада ҳозир 160 га яқин биржа иш олиб бормоқда, улар меҳнат бозорини барпо этиш ишини бошлаб юборди. Қабул қилинган «Иш билан таъминлаш дастури» янги иш жойларини барпо этишни кўзда тутади. Бир ярим йил ичида уларнинг сони 128 мингтага кўпайди. Булар асосан кооперативлар, кичик корхоналар, касаначиликнинг турли шаклларидир. Мамлакатнинг бошқа минтақаларидаги саноат корхоналарининг цехлари ва филиаллари очилиши мақбул бўлмоқда.

Бозор муносабатларига ўтилгач, корхоналар ҳамда ташкилотларни тугатиш ёки қайта ташкил этиш муносабати билан иш жойи қисқариб кетган одамлар Ўзбекистондаги ишсизларнинг анчагина қисмини ташкил этади. Сўнгги ярим йилдагина республикада салкам 5 минг киши ижтимоий ишлаб чиқаришдан бўшатилди. Булар асосан инженер-техник ходимлар ва хизматчилардир. Ишсизлар тоифасига қўшилганларнинг кўпчилигини 16—20 ёшдагилар, шунингдек ёш болали аёллар ташкил этади. Янги ташкилот аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинмаган ана шу тоифаси тўғрисида ғамхўрлик қилиши лозим.

Аслида ташкилий давр тугади, жамғарма фаолиятининг йўналишлари белгилаб олинди, Ўзбекистон Республика акционерлик-тижорат деҳқончилик-саноат банкида 000700235 рақамли ҳисоб варақаси очилди. (Банк коди — 734019), ҳар бир меҳнат жамоаси шу жамғармага маблағ ўтказиши мумкин.

(ЎзТАГ мухбири).

Партия ходими мулоҳазалари

ЯНГИ ПАРТИЯ: БИЗ УНИ ҚАНДАЙ КЎРИШНИ ИСТАЙМИЗ

I.

Сўнгги вақтлардаги шиддатли воқеалар ҳамма жойда ижтимоий фикрни қўзғатиб юборди. Бундан олти йил илгари тантанали эълон қилинган қайта қуришнинг жамиятга берган сиёсий руҳи эндиликда ўзининг энг юқори чўққисига етди.

Эндиликда иккита йўлдан бориш мумкин. Ёҳуд вақт талаб қилган ижтимоий фаоллик бошланган умумдемократик жараёнга фаол узвий қўшилади, унинг кутганига мос сиёсий кучлар бошқаради, ижтимоий фанларнинг назарий ёриб чиқиши ҳамда ҳозирги сиёсатчиларнинг амалий, ҳаракатлари билан мустаҳкамланади.

Ёҳуд, бизнинг тарихимизда бир неча марта бўлганидек, ҳокимият тизимларига кириб олиб, бундан буён ўз ваздаларини шунчаки бажариш эмас, балки қўлга киритилган мавқеини мустаҳкамлаш ҳақида қайғурадиганларнинг сафсаталари, амалий эҳтиёжлардан ажралиб қолган қуруқ гаплари ва асоссиз баёнотларини кенг халқ оммасининг умидсизланишига олиб келади. Шундай қилиб, амалда омманинг аҳволига таъсир қилмовчи бир тўданинг иккинчиси билан сийқаси чиққан алмашиши юзага келади. Ваҳоланки, янги тўда шу омма елкасида ва уларнинг номидан ҳокимият тепасига келган. Афсуски, аҳволни таҳлил қилиш бундан буён воқеалар худди шу иккинчи йўл бўйича ривожланиши аниқлигини кўрсатмоқда.

Ўзларини демократлар деб эълон қилган кучлар амалий ҳокимиятни қўлга олгач, уни қандай бажаришни билишмаяпти, деган таассурот юзага келмоқда.

Бундай шароитларда жумҳуриятимизнинг ҳақиқий мустақиллиги учун кураш енгил бўлмаслигига ишонч ҳосил қилаяпмиз. Бизни ҳеч вақт «озод қилиб» қўйишни исташмаяпти. Марказий оммавий ахборот воситалари томонидан Ўзбекистон шаънига айтилаётган кўпгина аччиқ гаплар шундан далолат беради.

Бизни мустақиллигимиз учун хавф шубҳасиздир. Агар жумҳуриятимиз илгари 73 йил давомида ундан кўпроқ ҳом ашё ва ресурсларни соғиб олишга интилган марказ ихтиёрида бўлган бўлса, эндиликда унинг олдида бошқа халқ — Иттифоқнинг собиқ ҳудудида ягона демократик кенглик барпо этиш шиори остида эътиқодини ўзгартирган ўша таниш шахслар собиқ марказ вакилларининг яна бизнинг устимиздан ҳокимлик қилишни исташаётганидир. Бироқ илгари улар партократлар деб аталган бўлса, эндиликда демократлар деб аталишади.

Ҳозирча бу кишиларнинг янги мустамлакачилик интилишлари асосан ғоявий экспансия билан чекланаяпти. Шу мақсадда бизнинг қомусий ҳокимият органларимиз кучли обрўсизлантириляпти. Жумҳуриятда қилинаётган ҳамма яхши ишлар ҳақида лом-мим дейилмаяпти.

Бизнинг «хайрихоҳларимиз»нинг ҳақиқий башараси, айниқса, яқинда буюк Алишер Навоий юбилейи байрамлари кунларида яққол кўринди. Юбилей тадбирлари чет элларда ўтган бўлса ҳам Москвада бекор қилинди. Ҳатто бирорта ҳам марказий нашриёт, телевидение жумҳуриятимиз ҳаётидаги бу муҳим воқеа ҳақида бирорта мисра ҳам материал бермади. Чунки уларни бизнинг ҳаётимиздаги фақат иллатлар қизиқтиради. Ҳудди шу кунларда улар томонидан Ўзбекистондаги беқарорлик ва кенг қамровли тўполонлар бошлангани тўғрисида навбатдаги ғирт ёлғон гаплар тарқатилди.

Шунинг учун бизнинг эскиликка ёпишиб олганимиз ҳақидаги уйдирмалар зўр бериб тарқатилмоқда. Ўзбекистоннинг сиёсий барқарорлик, осойишталик ва тартибни сақлаш бўйича сиёсати эса феодал-коммунистик тизимни сақлаб қолишга интилиш деб эълон қилинмоқда. Бироқ нима учун бизнинг эскиликка ёпишиб олишимизнинг қандай зарурати борлигини изоҳлаб бера олмайдилар. Шу нарса очиқ-ойдин маълумки, бугунги аҳволимизнинг бутун мантиқи ундан чиқишнинг фақат биргина йўли — тубдан янгиланиш ва олдинга томон кескин одим ташлаш эканлигини кўрсатиб турибди. Бироқ тараққиёт ва демократия тўғрисидаги ўз тушунчаларидан келиб чиқиб, Вологда, Ёқутистон ва Қорақалпоғистон учун бир хил муштарак андозаларни мажбуран қабул қилдиришга ўрганган кишилар сиёсати оқимида бўлиш мумкин эмас. Аслида анъанавий турмуш тарзини, миллий руҳ, аҳлоқ-одобимиз, ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларининг ҳозирги аҳволини, шунингдек, бошқа омилларни ҳисобга олиб ўзимиз учун мақбул бўлган ривожланиш йўлини танлашдир.

Хусусан, минглаб километр узоқдан туриб ва айниқса, бизнинг муаммоларимизга ўз геосиёсий мақсадлари таъсири остида қараб унинг ҳаммасини тушуниш ва холис баҳолаш қийиндир.

Карвон ўз йўлини давом эттириш ниятида эканлигига ишонч ҳосил қилишгач ҳозирнинг ўзидаёқ очиқданочиқ дўқ-пўписалар ишга солиняпти. Маҳаллий кучларни ишга солиш билан фитналар уюштириляпти, иқтисодий санкциялар кўришга ўтилмоқда.

Фикримизнинг далили сифатида мисоллар келтириш учун узоққа бориб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ. Чирчиқ корхоналарининг директорлари бир неча бор таъкидлаганларидек, Россиядаги кўп йиллик шериклар Ўзбекистонда демократия йўқ деган баҳона билан анъанавий ҳамкорликдан воз кечмоқдалар. Олмалиқ конметаллургия комбинати етишмаётган хом ашё турларини америкаликлардан сотиб олишга мажбур бўлмоқда, улар эса бундай хом ашё турларини... ҳозирги кунга келиб юқоридаги сабаб бўйича ўзбекистонликлар билан алоқани узган Ватанимиз корхоналаридан олмоқдалар.

Албатта, энг новик жойимиз — иқтисодиётга ҳужум қилмоқдалар. Ҳозирги кунда марказнинг узоқни кўрган сиёсати меваларини тотиб турибмиз, бунинг оқибатида ҳатто тиш шчёткасини ҳам четдан келтираяпмиз.

Аҳволдан қутулиш йўли борми? Агар биз бегоналарнинг амри ва инжиқликларига умрбод боғланиб қолишни истамасак, агар ўз озодлигимизни бой-тўралар дастурхонидан бериладиган арзимаган хайр-садақалардан юқори қўйсак, бу дастурхонни ўз томорқамизда ўз қўлларимиз билан етиштирилган ноз-неъматлар билан тўлдирган бўлсак ҳам, у вақтда вақтинчалик етишмовчилик ва қийинчиликларга онгли равишда боришимиз лозим.

Суверенитет ва мустақиллик бирламчидир, ҳар бир нормал давлатда эса турмуш фаровонлиги ҳамма вақт фақат озод меҳнат натижасида юзага келган. Озод бўлмай туриб ҳақиқатдан ҳам бахтли бўлиш мумкин эмас.

Чунончи бу фақат ўзбекларга тааллуқлидир, жумҳуриятнинг мустақиллиги фақат уларнинг манфаатлари учун керакдир, деб ҳисоблаш катта хатодир. Озодлик ва муносиб турмуш тарзи бутун 21 миллион кишилик жумҳурият аҳолисига миллатидан қатъий назар ўз тақдирини шу жумҳурият билан боғлаган ҳар бир фуқаро учун керакдир.

Айни вақтда бошқа нарса ҳам аниқдир. Жумҳуриятимизнинг гуллаб-яшнаш йўли яккаликка эмас балки бошқа жумҳуриятлар билан яқин иқтисодий ўзаро алоқада улар билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик қилишдадир.

Ҳозирги вақтда жумҳуриятимиз олдида турган янги вазифалар ва мақсадлар уларни тегишлича сиёсий таъмирлаш заруратини келтириб чиқарди. Бошқача қилиб айтганда; янги сиёсий партияни тузиш ҳақидаги масаланинг вужудга келиши тўла қонунийдир, бу партия давр талабларига мос бўлиши керак. Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси шундай партия бўлмоғи лозим. Унинг дастурий ҳужжатлари умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинди.

II.

Жумҳуриятимиздаги кўпгина кишилар, айниқса коммунистлар «Янги партияни тузиш зарурати бормиди?» деган анча ўринли саволни беришади. Нима учун унинг ўтмишдоши ҳамда ҳуқуқий вориси Ўзбекистон Коммунистик партияси жумҳуриятни тубдан ислоҳ қилиш ҳуқуқини беришдан воз кечилди?

Бу саволларга жавоб бериш учун, афтидан, бироз олдинроққа, КПСС тақдирига қайтиш фойдали бўлади. Бизнинг Компартиямиз КПЄСнинг таркибий қисмларидан бири эди, чунончи амалда, КПССнинг оддий вилоят қўмитаси ҳуқуқларига эга бўлган ҳуқуқсиз қисми эди. Аслида унинг умуман тегишли вилоят қўмиталарига ўхшаш бўлинмалари Коммунистик партиямизнинг КПССдаги умумий мавқеини ўзгартирмасди.

Аччиқ бўлса ҳам шуни тан олиш керакки, Ўзбекистон Компартияси КПСС стратегияси ва сиёсатини ишлаб чиқишга ҳеч қандай жиддий таъсир қилиш имконига эга эмас эди. Унга ҳар доим Москвадаги Старая майдонида қабул қилинган қарорларни кўр-кўрона бажарувчи иккинчи даражали роль берилади.

Ново-Огарёво жараёни томонидан янги Иттифоқ шартномасини шу йил 20 августида имзолашининг белгиланиши амалда КПССнинг умумиттифоқ сиёсий партия сифатидаги фаолияти тугаганлигини билдирди. Чунки, мустақил давлатлар янги ҳамжамиятининг конфедератив хусусияти қарорлари унинг Низомига мувофиқ ҳамон жумҳурият бўлинмалари томонидан бажарилиши учун мажбурий бўлган ягона сиёсий ташкилотнинг фаолият кўрсатишини мумкин қилмай қўйди.

Шунга қарамай, жумҳуриятлардаги бундай бўлинмаларнинг аҳволи бу вақтга келиб бир хил эмас эди. Масалан, Ўзбекистонда Компартия раҳбар партия бўлиб қолаверди, Россияда у оппозициягга ўтди. Арманистонда эса амалда сиёсий майдондан чиқиб кетди.

Партиянинг XXVIII съездидаёқ узоқни кўрган сиёсатчилар КПССнинг тўла барбод бўлишини кутмасдан уни мустақил жумҳуриятлар коммунистлари иттифоқига айлантириш, компартияларга реал шароитлар ва маҳаллий ўзига хосликдан келиб чиқиб ўз сиёсатини мустақил белгилаш ҳуқуқини беришни таклиф қилганларида бу имконият бой берилганлигини эсламай бўладимми?!

Бироқ бу оқилона фикр инобатга олинмади. Жангари изчил мутаассиблар нуқтаи назари билан иттифоқ тузган сиёсий сафсатабозларнинг фикри баланд келди, улар қўлдан кетаётган ҳокимиятга жон-жаҳдлари билан ёпишиб олдилар, «нуқтаи назарларидан воз кечишни» истамадилар. Бироқ орадан бор йўғи бир йил ўтгач, август ойининг эсда қолган уч кунида шу нуқтаи назарлардан чурқ этмай воз кечдилар. Бу билан янги большевикча кайфиятдаги «демократларнинг» зарбалари остида ниҳоят партия йўлбошчилари характиклдан уйғонадилар, ҳокимиятдан Кремль йўлакларидаги пинҳоний ҳатти-ҳаракатларидан воз кечадилар ҳамда партиянинг сиёсий ҳаётда йўқотиб қўйган ўрнини топа оладилар, деб ишониб келган миллионлаб оддий коммунистларга хоинлик қилинди. Уларнинг умидлари яна бир бор алданди. Шу сабабли КПССнинг ҳозирги аҳволи унинг барбод бўлиши ва умумиттифоқ сиёсий партияси сифатида сиёсий майдондан кетиши қонуний жараёндир. 19—21 августдаги воқеалар, айрим кишилар фикрича, ҳалокатнинг бош сабаби бўлмай, фақат уни тезлаштирди.

Шуни холис таъкидлаш керакки, тарихнинг муайян даврларида халқ кучларини фавқулодда вазифаларни ҳал қилишга сафарбар этиш зарур бўлган вақтда партиянинг сафарбар этувчилик роли ижобий аҳамиятга эга бўлди. Бундан ташқари, партия ўзининг жамиятдаги алоҳида мавқеи туфайли уни метиндек мустаҳкамловчи негиз бўлди, турли ижтимоий миллий ва бошқа гуруҳларни жипслаштирди, собиқ Россия империяси ҳудудида қудратли йирик давлатнинг барпо этилишига холис ёрдам берди. Бу давлат сўнгги вақтларгача жаҳон сиёсатида етакчи роллардан бирини ўйнади.

Бошқача қилиб айтганда, КПСС ҳозирги танқидчиларининг партия ҳақида қандайдир жиноятчи ташкилот, унинг ўтмишидаги фаолияти бамисоли хатолар ва ёвузликларнинг узилмас занжиридан иборат, деб таъкидлашлари адолатдан эмас ва асосан коньюктор фикр натижасидир.

Тарихимизнинг ўтган босқичларига, шу жумладан унинг ноҳуш саҳифаларига, бугунги вақтимиз, унинг чўққиларидан қайта баҳоланган ва янгича тушунилаётган вақт нуқтаи назаридан эмас, балки ҳар бир аниқ даврнинг ўзига хос хусусиятлари ва вазифалари нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, партиянинг бутун ўтмишини фақат салбий баҳолаш мумкин эмас, деб ўйламан. Албатта, ўтмишда партия номидан қилинган катта суиистеъмолликлар ва хатоларни оқлаш мумкин эмас.

Бу ерда биз бир ҳақиқатни — партияни тузганлар бошданоқ партияни сиёсий ташкилот сифатида ҳақиқий демократлаштиришдан иборат муҳим вазифани ҳал қила олмаганликларини аниқ англаб олишимиз керак. Дастлабки вақтда унда партия оммаси, оддий коммунистларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳисобга оладиган механизм барпо этилмаган эди. Яъни ҳар қандай сиёсий партиянинг бош вазифаси йўқотилган эди, партияга у вакили бўлмаган ва ҳимоя қиладиган муайян синфлар ва уларга яқин бўлган ижтимоий гуруҳларнинг умумий, бир хил манфаатларини ифода этувчи ҳамфикрлар бирлашади.

Партияда авторитет тамойиллар аста-секин кучайиб борди, унинг фаолияти тобора кўпроқ раҳбарларнинг тор доираси фикрига бўйсуниб борди ва қонуний равишда аниқ раҳбар — Сталин ва ундан кейинги Бош котиблар хоҳишига бўйсундики, бу ҳеч ҳам таажжубланарли эмасди.

КПССнинг кучи ва айни вақтда заифлиги учта бош принципдадир, яъни демократик централизм, кадрларнинг қаттиқ номенклатураси ва марксизм-ленинизм таълимотининг ғоявий кўрсатмаларига риоя қилишдадир.

Кучи сафларнинг жипслиги, қаттиқ интизом, белгиланган йўлни амалга оширишдаги қатъийлик, жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида партия сиёсатини ўтказишидадир.

Заифлиги аста-секин қотиб қолиш, ақидапарастлик, юқоридан турган раҳбарнинг фикрига асосланиш, партиянинг барча занжирларида кадрлар ташаббусини ва ишга ижодий ёндашувни бўғишдадир. Бу ўзгарувчанлик ва тезкорликни, партия занжирлар бўйича мустақил қарор қабул қилиш имкониятини йўқотди. Шунда катта бир эҳром вужудга келдики, унинг қўйида ҳеч нарсани ҳал қилмайдиган партия оммаси қолди, энг юқорисини эса бутун партия номидан қарорлар қабул қиладиган шахслар эгаллади. Партия ўз раҳбарлари фикрининг тутқунига айланди.

Раҳбарлар атрофларига тўплаб олган доҳийлар — ленинчилар ёрдамида ўзларини жуда билимдон деб ҳисоблаб, ҳар бири ўз тушунишни бўйича коммунистик жамиятни қуриш йўлларини белгилади. Улар аслида амалиётчи бўла туриб, ижтимоий ва жаҳон тараққиётининг объектив қонунларини инкор қилдилар, марксча-ленинча таълимотнинг моҳиятини чуқур билмасдилар, ундан қулай ҳаёталарини юлиб олардилар. Партиянинг катта интеллектуал имкониятлари керак бўлмай қолди.

Бу муқаррар равишда катта хатоларга, коммунистик ғоянинг ўзини обрўсизлантиришга олиб келди. Кишиларнинг тор гуруҳи хоҳиш иродаси билан илмий асосда ишлаб чиқилмаган ва халқ билан маслаҳатлашилмаган асоссиз, волюнтаристик қарорлар қабул қилинди, кенг миқёсли синовлар ўтказилдики, бу партияга, давлатга ва халққа жуда қимматга тушди.

Ақидапарастлик, жамиятни бошқаришнинг бир сафар муваффақиятли топилган моделларига кўр-кўрона эргашиш, ижодий ёндашиш ва мослашишнинг йўқлиги, ёлғон ғоялар катта давлат ҳаётига ҳалокатли таъсир қилди, мамлакатни ҳақиқий, улар томонидан зўрлаб ўтказилган эмас, социализмни қуриш йўлидан тобора нарига узоқлаштириб борди.

Бунинг ҳаммаси нимага олиб келганлигини биз Ўзбекистон мисолида тобора яхшироқ билаяпмиз. Жумҳуриятимизнинг 1917 йилдан кейинги даврда эришган ютуқларини ҳеч қанча камситмаган ҳолда шуни ҳам айтиш мумкинки, бу ютуқларнинг ҳаммаси фақат мамлакат ва жумҳуриятда биринчи беш йилликлар жўшқинлиги сақлаб қолинганда эришиш мумкин бўлган энг кам ютуқдир.

Бизнинг еримизда ўзларининг беқиёс матонатлари билан социализм қурган авлодлар Ўзбекистон XXI аср бўсағасида аҳолиси турмуш даражаси жиҳатидан қашшоқ мамлакатнинг энг қашшоқ жумҳуриятларидан бири бўлади, деб ўйламаган бўлсалар керак. Улар ҳимоясиз қолган Орол қачонлардир қуриб қолади, мамлакатнинг пахта мустақиллиги ғояси учун халқнинг саломатлиги ва ҳаёти қурбон қилинади, бутун бир миллатнинг ирсият фонди хавф остида қолади, деб ўйламаган бўлсалар керак. Қачонлардир бу ерга юксак шиорлар билан ниқобланиб ва гўё кўп жиҳатдан марказнинг ўзи вужудга келтирган иллатли ҳодисаларни тугатиш учун аслида марказнинг анишчевлар, огарковлар, романовскийлар ва ҳоказолар сингари сиёсий товламачилари бахт ва мансаблар топиш учун учиб келадиган кунлар бўлади, деб ҳаёлларига келтирмаган бўлсалар керак. Ҳар доим меҳмондўстлиги ва қалбининг саҳийлиги билан ажралиб турадиган қобилиятли ва меҳнатсевар халқнинг пок номига қора доғлар туширилишини хаёлларига ҳам келтирмаганлар...

Ҳа, буларнинг ҳаммаси тарихимизда юз берди. Эндиликда покланиш пайти келди. Лекин бу жараён бутун ўтмишни асоссиз қоралаш остида бермаслиги керак. Унинг тажрибасидан, барча қимматли, абадий, эскирмайдиган нарсаларни олиш керак. Большевиклар ўз вақтида халқни «коммунизм» ёки «социализм» терминлари билан эмас, балки унинг асрлар давомидаги орзу-умиди — тенглик, адолатлик, кишилар бахти шиорлари остида кўтардилар.

Биз ҳаммамиз бу абадий олий мақсадларга қайтишимиз керак, уларни қуйқалар ва бурилишлардан мутаассиблик ва ғоявийизмлардан тозалашимиз керак. Соғлом фикрлаш сиёсатга қайтишимиз, бизга сингиб кетган андозалардан, эскирган тафаккурдан халос бўлишимиз керак.

Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг дастурий ҳужжатларига асос қилиб олинган принциплар шу интилишларга зидми — Халқ-Демократик партиясининг эълон қилинган Дастури ва Низоми лойиҳаси бу саволга жавоб бўлади.

III.

Халқ-Демократик партияси дастурий ҳужжатларининг лойиҳалари қоидаларини муфассал таҳлил қилиш ва шарҳлашнинг катта зарурияти йўқ, деб ўйлаймиз. У билан ўз тақдирини боғловчи ҳар бир кишининг ўзи йўл танлаши керак. Бу ерда тазйиқ қилиш, компаниячиликка ҳеч йўл қўйиб бўлмайди. Партиянинг ўн нафар сўст аъзоси бўлгандан битта жангчиси бўлган яхши.

Айтганларидек, вақт партияни негизидан тузишни бошлашдек тарихий имкониятни бизга бераётганлигини аниқ тушуниш керак. Дастур ва Низом лойиҳаларини кенг, манфаатдорлик билан муҳокама қилиниши жумҳурият тақдири, унинг келажаги ўзи учун қимматли бўлган ҳамманинг манфаатларини ифода этиши лозим.

Бундай муҳокама учун асос бор. Айни вақтда, бизнингча, Дастур лойиҳаси камчиликлардан ҳоли эмас. Бу камчиликларнинг энг асосийси ҳамма соҳани қамраб олишга, жумҳурият барча участкаларида иш аҳволи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга интилиш, бир вақтнинг ўзида олдинги ҳокимлик ваколатларидан воз кечишдир. Бунга амалда қандай эришиш мумкин? Баён қилиш услуби ҳам чўзилганлиги билан кўзга ташланади. Афтидан бу ерда горбачёвчи команда томонидан партия лексиконига киритилган услубдан қочиш мумкин бўлмаган.

Ўзбекистоннинг ҳақиқий мустақиллиги ва суверенитетига эришиш партиянинг асосий, стратегик мақсадини белгилайди. Шу асосда ўзининг барча фуқароларига фаровонлик ва гуллаб-яшнашни таъминлаб, жаҳон цивилизациясида муносиб ўрин эгаллайдиган, давлат барпо этишдир. Бу ғояни аниқ шакллантириш ҳамда дастурий ҳужжатларнинг барча бўлимлари орқали қизил ип билан ўтказиш зарур.

Янги партия Дастури лўнда, унинг асосий негизи оддий меҳнаткашга тушунарли бўлиши лозим. Унда мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодиёти, сиёсати, маданияти, ижтимоий тузилишидаги асосий мақсадлар белгиланган бўлиши керак. Партия оммасининг ўзи белгиланган тадбирларнинг амалга оширилишининг боришини муттасил назорат қилиши таркиб топаётган вазиятга қараб йўлни тўғрилаш имконини берадиган механизм назарда тутилиши керак.

Ҳақиқий демократизм номигагина эмас, балки асл моҳияти билан партиянинг муҳим принципи бўлмоғи лозим. Шундай механизм яратиш керакки, келажакда қотиб қолиш ва мутаассиблик пайдо бўлиш, партиянинг бўлажак раҳбарларга хизмат қилувчи воситага айланишига олиб келувчи имкониятлар бўлмасин. Бу ерда ўтмишнинг аччиқ сабоқларини тўла ҳисобга олиш лозим.

Ҳозирги партия комитетлари ишининг коммунистлар хазм қила олмайдиган, эскириб кетган усул ва услублари янги тузилмалар иш кўламига ўтмаслиги ҳақида қайғуриш лозим.

Янги партия ҳаётимиздаги жараёнларга аввалгидек ҳокимлик ва тазйиқ билан эмас, балки Кенгашлардаги ўз вакиллари ва гуруҳлари орқали таъсир кўрсатиши керак.

Ҳа, партия парламент туридаги партия бўлади ва ҳокимият фақат ўз қўлида бўлишдан воз кечади. У бошқа партиялар ва ҳаракатлар билан ҳалол рақобатда, нуқтаи назарлари бир хил бўлса, улар билан ҳамкорликда жумҳуриятнинг бундан кейинги ривожланиш йўлига ҳал қилувчи таъсир кўрсатиш учун курашади.

Бироқ бу ерда ҳар қандай сиёсий партия — бу умуммақсадга эришиш учун ҳам фикрларнинг бирлашмаси эканлигидан келиб чиқиш лозим. Демак, партиянинг дастурий ҳужжатларида бу аниқ, қайси ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини ифода этишини қайд қилиш, шунингдек, ҳар бир партия аъзоси манфаатларини ҳимоя қилишни баралла айтиши керак. Бошқача қилиб айтганда, ўз тақдирини у билан боғлаган ҳар бир фуқаро эндиликда у ўз партиясининг устун ҳимоясида бўлишини билиши, партия табиий равишда партиясизларнинг фуқаролик ҳуқуқларининг камситилишига ҳам бефарқ қарамайди.

Бу ҳозирги нотинч вақтда жуда муҳимдир. Бу ерда ҳам яна КПССнинг ачинарли бир тажрибасини, яъни у ҳамманинг, аслида ҳеч кимнинг манфаатини ифодаловчи деб тантанали равишда эълон қилиниб ва оқибатда жамиятда ўз ижтимоий негизи ва таянчидан маҳрум бўлиб қолганлигини яна ҳисобга олиш зарур. Партияда ҳақиқий партиявий дўстлик, ошкоралик, бир-бирига ишонч вазиятини вужудга келтириш ҳақида қайғуриш Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг бундан кейинги бутун фаолиятининг муҳим шарти бўлмоғи керак. Иерархия босқичлари бўйича табақаланишнинг партия ички қатламланишларига йўл қўймаслик зарур. Сталин вақтидаёқ Коммунистик партияга кириб келган бу қусур ҳозир ҳам бор ва у партиянинг ўзгаришларни юқтирмаслигининг асосий сабабларидан бири бўлди. Итоаткор мурувват назарияси, солдатларча руҳият, «бегоналар қўрқсин учун ўзингникини ур» принципига амал қилиш ва КПСС вужудига чуқур сингиб кетган бошқа қусурлар миллионлаб соф кишиларнинг ундан аста-секин нафратланишига олиб келди.

Минглаб партия ходимлари бундай услубни ўз ҳаётий тажрибаларида синаб кўрганлар. Ўз вақтида етказилган «шивирлаш» оқибатида (кўпинча ҳамхона томонидан) бошлиқларда «фикр туғилар», зеро сен харчанд елиб-югурмагин, атрофингда бўшлиқ пайдо бўлар, бу эса доимо «ўз мутахассислиги бўйича ишга ўтиш» билан якунланарди.

Ўтмишдан ҳохлаган ишини қилишга ўрганган турли даражадаги партия раҳбарияти ҳуқуқсиз йўриқчилари орқали ўз зоҳидлигини ва камтарлигини халққа тўлиқ намойиш қиларди. Партия аппаратини яхши билган ҳолда ҳозир баралла таралаётган барча афсоналар хусусида гувоҳлик беришим мумкин: бутун мамлакатда оддий партия ходимичалик ҳуқуқсиз ва ижтимоий ҳимояланмаган табақани топиш мушкул.

Партия аппаратидан кетгазилганларнинг кўпчилиги ҳанузгача ўзларига бўлган бундай муносабатнинг сабаби нима эканлигини тушуниб етмаганликларига ишончим комил. Чунки котиблар одатда хайрлашув олдидан улар билан суҳбатлашишни ўзларига раво кўришмасди. Асл сабабни ўз ҳолича аниқлаш эса одобдан эмас деб ҳисобланарди.

Ўз вақтида турли жойлардан тортиб олиниб партия аппаратига киритилган ва унда қовуша олмаган қанчадан-қанча софдил, етук кадрларнинг унутилмас ҳафагарчилик билан ишдан кетганлигини гапирмаса ҳам бўлади. Бу, айниқса гарчанд партия фаолияти мазмунига кам таъсир ўтказган бўлса ҳам қайта қуришнинг қисқартириш, қайта ташкил қилиш даврларида содир бўлди.

Жумҳуриятда барқарорликни мустаҳкамлашнинг асосий шартларидан бири тузилмаларни ўзгартираверишларни тўхтатиш бўлиши лозим. Бу фақат партия органларигагина тааллуқли эмас. Очиғини айтганда, 1988 йилдан бошлаб барча давлат бошқарув тузилмалари Горбачевнинг машҳур «штабларга қарши ўт очайлик» даъватидан кейин шу вақтгача дурустроқ ишламаяпти. Ҳозир ҳам ҳеч ким эртага нима бўлишини равшан билмайди. Шунинг учун биз Ўзбекистоннинг мустақиллигини эълон қилиб ва илгари Москва мажбуран қабул қилдирган синовлардан халос бўлиб, бу муаммога ҳар томонлама мушоҳада қилиб ва ҳамма шарт-шароитларни ҳисобга олиб ёндошишимиз керак. Бунда фикрларнинг ҳар хиллигини, давлат механизми саводли, касбий тайёрланган аппаратсиз нормал ишлай олмаслигини эсда сақлаш даркор.

Ўзбекистон ўз тарихида жуда масъулиятли даврга қадам қўйди. Шу муносабат билан жумҳурият ва унинг кўп миллатли аҳолиси олдида жуда мураккаб вазифалар турибди. Уларни ҳал қилиш барча кучларни бутун халқимиз куч-ғайратини бирлаштиришни талаб этади. Фақат шундагина ҳар бир киши турмуши учун муносиб шароитлар яратиш, фарзандларимизнинг истиқболи кафолатини таъминлаш мумкин. Халқ-Демократик партияси ўз зиммасига шундай масъулиятни олиб, барча холис ниятли кишиларни ўз уйимизда ижтимоий адолат, миллий тотувлик, тинчлик-хотиржамлик ва тартиб бўлиши учун жипслаштириши керак. Бунга осонликча эришиб бўлмайди. Бунинг учун курашиш керак.

Ҳар бир ўзбекистонлик ҳозирги вақтда Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси Дастурида тантанали суратда эълон қилинган яхшилик, адолат, тенглик ғоялари учун сиёсий кураш ҳамда қочиш, сиёсий ҳаётда фаол қатнашишдан оғиш бу эртанги кун ҳақида ўйламаслик, ишни бошқалар елкасига ташлаб қўйиш эканлигини англаши керак.

Бу баландпарвоз ва чиройли шиорлар остида жамиятни бойлар ва камбағаллар табақаларига ажратишни истаётган ва ҳозирги вақтдаёқ бунга ўринаётганларга жойни кўнгилли равишда бўшатиб бериш демакдир. Халқнинг асосий қисмини мужмал ва ҳуқуқсиз оммага айлантиришни, шу омма меҳнати эвазига миллионларча сўмлик бойлик орттиришни орзу қилаётганларга йўл очиб бериш демакдир. Бундай мисоллар мамлакатимизнинг турли жойларида кўпайгандан кўпайиб бормоқда.

Мамлакатимизда ҳокимиятга ёриб киришга уринаётганларни зўр бериши билан «бойлик орттир» шиори тобора кўпроқ давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда. Ҳозирги вақтда қайта қуриш меваларидан кимлар баҳраманд бўлаётганлигини кўз олдимизга келтириш учун теварак атрофга қарайлик. Кўчаларимизда, хизмат кўрсатиш соҳасида кечагина панада беркиниб юрган сурбет шахслар пайдо бўлди. Оммани ҳалокатли қашшоқланиши шароитида улар ўзлари ҳеч нима ишлаб чиқармай ҳаётимизга ишонч билан кириб бормоқдалар, ҳозирнинг ўзидаёқ катта сиёсатга интилмоқдалар. Улар олдига ким тўсиқ қўяди, ҳамма, шу жумладан маош, пенсия, нафақа ҳисобига яшаётганлар учун фаровонлик яратиш учун баравар имкониятларни ким яратиб беради? Фақат ҳозирги бошбошдоқлик ва иқтисодиётнинг барбод бўлишидан тўла фойдаланаётганлар учунгина эмас.

Биз бунга йўл қўймаслигимиз керак. Шундоқ ҳам Ўзбекистоннинг кўпчилик аҳолиси қашшоқлик чегарасида яшамоқда.

Меҳнат кишиси ҳақида, унинг кундалик эҳтиёжлари ҳақида ғамхўрлик қилиш якка партиянинг бош мақсади деб эълон қилинди. Бунинг учун у кучли ва жипслашган бўлиши лозим. Бизнинг ғояларимиз ўзлари учун қимматли бўлган коммунистлар унинг сафларида ўз ўринларини топишлари, белгилашлари керак. Биз эртанги кун ҳақида ўйлаётган ҳар бир соф виждонли кишининг ўзи бугун Ўзбекистоннинг сиёсий йўлини ишлаб чиқишда иштирок этиши лозим бўлган вақтда яшамоқдамиз. Буни ўзимиз қилмасак, бошқа ҳеч ким қилиб бермайди. Бу ҳам майли-я. Сиёсий жиҳатдан етук бўлмаслик, жумҳурият тақдирига бефарқлик бизнинг узоқ вақт кутган озодлигимизни барбод этиши мумкин. Ўшанда биз бегоналар иродаси ва бегона моделларга яна тобе бўлиб қоламиз. Бошқа йўл эса йўқ.

Шу муносабат билан анча қалтис бир муаммо ҳақида тўхталиб ўтмай иложим йўқ. Вилоятнинг, чунончи Чирчиқ, Янгиобод ва айрим бошқа шаҳарларнинг рус тилида сўзлашувчи аҳолиси орасида мамлакат ва жумҳуриятда содир бўлган сўнгги воқеалар муносабати билан айрим безовталик борлиги сир эмас. Ўз манфаатлари кафолати сифатида КПССда қолиш истагини билдирган ўртоқлар ҳам кам эмас. Бундай нуқтаи назар тушунарлидир.

Бироқ, биринчидан, биз юқорида таъкидлаганимиздек, умумиттифоқ сиёсий партия сифатидаги КПСС эндиликда йўқ. Иккинчидан, ЎзХДП Компартиянинг қонуний давомчиси сифатида жумҳуриятнинг 21 миллион кишилик халқи кенг қўллаб-қувватлаётган байналмилалчилик йўлини изчил давом эттиради. Фақат шу йўл Ўзбекистонда тартиб ва осойишталикни таъминлашга, барча миллат фуқаролари тенгҳуқуқлари ва имкониятларининг гарови бўлишга қодирдир.

Муайян кучлар жумҳуриятдаги рус тилида сўзлашадиган аҳолининг тақдири келажакда булутли бўлади, деб бегона сиёсий ўйинда фойдаланишга уринаётганлигини четлаб ўтолмаймиз. Марказий матбуот органларида жумҳуриятимизга оид асоссиз шов-шувлар тарқатиш ҳамда ифво қилинган тангликлар мавзуида материаллар берилиши кўпайди. Ва ўзбек халқи, на Ўзбекистон сиёсати бизда миллий низолар оловини ёқиш учун баҳона берган эмас ва бермайди, чунки бу бутун кўп миллатли аҳолимиз манфаатларига зиддир, бизнинг онгимиз ва анъаналаримизга ётдир.

Шунинг учун ҳам биз янада маҳкамроқ жипслашиб, биргаликларга зарба беришимиз керак. Ҳаммамизнинг тақдиримиз ягона ва келажагимиз ажралмасдир. Бизнинг Халқ-Демократик партияси фаолиятида фаол қатнашишимиз шундай жипслаштирувчи куч, хавфсизлигимиз ва миллий тотувлигимиз гарови бўлиши мумкин.

Партиянинг байналмилалчилик нуқтаи назарини аниқроқ таърифлаш учун ЎзХДП Дастурига махсус «Партия ва миллий масала» бўлимини киритиш ва унда бу муҳим масаладаги асосий вазифаларни акс эттириш лозимга ўхшайди.

Яқинда ишдан кейин кечқурун 60 километр йўл босиб шаҳар партия қўмиталаридан бирининг ходимларидан хафа бўлиб Тошкентга келган киши билан суҳбатлашишга тўғри келди. Ўнингча, бу ходимлар кишилар билан сиёсий ишни саводсизларча, расман олиб борадилар. Шуниси диққатга сазоворки, унинг ўзи партиясиз экан. Узоқ, ишончли давом этган суҳбатда менга ҳозир ҳам тинчлик бермаётган қуйидаги сўзларни айтди: «Сиз, коммунистлар нима учун уйқудасиз. Мен сизларнинг эътиқодларингизга қўшилмайман. Бироқ ҳушёр инсон сифатида бизнинг бошбошдоқлик давлатимизда сиздан бошқа ҳеч ким тартиб ўрнатта олмаслигини биламан. Ўз хизматимни таклиф этган вақтда тушунмовчилик ва бегоналикка дуч келамман. Менга ўхшаганлар эса мингларчадир... Атрофингизга қаранг. Қайта қуриш бошланишидаги ўз шиорларингизни эсга олинг. Сизларга нима бўлди?». Ун

• *Ижара жамоалари тажрибасидан*

ЁЛҒИЗ ОТНИНГ ЧАНГИ ЧИҚМАС...



БУКА ноҳиясидаги Ҳамза номли жамоа хўжалигининг ижарачиси Шарифжон Валижоновни яхши биласиз. Ўтган йилнинг ёз ойларида ва шу йилнинг август ойида рўзномамизда чоп этилган «Маломат» ва «Қаддингизни кўтариб юринг» мақолаларида оддий колхозчиликдан хўжалик етакчисигача кўтарилган бу заҳматкаш, фидойи инсоннинг ҳаёти, «пахта иши» гирдобига тушиб қолиб, бошидан кечирганлари, ниҳоят ҳақ қарор топиб оқланганлиги, пок номи тикланганлиги ҳақида ёзгандик. Шу билан бирга у киши бир гуруҳ мўмин-мусулмонлар билан биргаликда Маккан-Мадинага сафар қилганликлари ҳақида ҳам хабар бергандик. Яқинда йўлимиз тушиб яна Ш. Валижонов билан учрашдик. Биз уни ҳожилик унвони билан муборакбод этдик. Жамоа ишлари ҳақида суҳбатлашдик.

— Ҳозирги бозор иқтисоди шароитида деҳқончиликдаги ишларга, табиийки, қайси экинни қанча гектар ерга экиб, қанчадан ҳосил олганлигига қараб эмас, ана шу ҳосилдан қанчалик наф кўрилганлиги, қанча миқдорда даромад ва фойда олинганлигига қараб баҳо берилади. Шундай эмасми?

— Фикрингизга тўла қўшиламан. Шунинг учун ҳам мулоқотни иқтисодий тилда олиб боришга мойилман. Ана шунда ҳамма нарса ойдинлашади-да. Ҳозирги ишларимизнинг салмоғини билмоқ учун эса озроқ ўтган йилги иқтисодий аҳволдан огоҳ этсам. Ҳаммаси мўлжалдагидек ва айтиш мумкинки, зиёдаси билан амалга оширилаяпти. Сизга маълумки, 89 гектар ерда деҳқончилик қилдик ва 1990 йилда 472 минг сўм соф даромад олдик. Бу даромаднинг 40 минг сўмини 50 гектар ерда етиштирилган пахта берди.

— Ошириб юбормадингизми?

— Йўқ, нега энди. Бир бошдан тушунтирай. Биз пахтанинг 90 фоизини юқори навга сотдик. Чунки, ишни сифатли бажардик, эрта экиб, эртаки ҳосил етиштирдик. Ярмини машинада, ярмини қўлда тердик. Энди буёғини эшитинг. Атиги 17 гектар пахта майдонига нисбатан икки ҳисса кам ерда етиштирилган сабзавотдан эса 180 минг сўм, 25 гектар ерга экилган қовун-тарвуздан эса 200 минг сўм соф фойда олдик. Ҳисоблаб чиқсак, 1 гектар пахта бизга 2,5—3 минг сўм, сабзавот, қовун-тарвуз эса 8—10 минг сўм даромад берибди.

— Ўз-ўзидан маълумки, агар сабзавот ва полиз маҳсулотларини давлат харид нархи қиймати бўйича ҳисоб-китоб қиладиган бўлсак, унчалик кўп фойда олиш мумкин эмас-ку!

— Ҳамма гап шунда-да. Биз сабзавотни асосан четга сотиш, тўғрироғи маҳсулотга маҳсулот айирбошлаш ва уни пулга чаққанимизда ана шундай фойда кўраяпмиз-да. Мана ўзингиз гувоҳ бўлдингиз. Кўриб турибсиз, бизда қурилиш материалларининг кўп турлари бор. Биз уларни хўжалик аъзоларига эҳтиёжларини ҳисобга олиб бераяпмиз. Москва, Санкт-Петербург, Краснодар, Барнаул шаҳарлари билан борди-келдимиз яхши.

— Энди бу йилги ишлар ҳақида гапириб берсангиз.

— Бу йил янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига экин майдонимизни 100 гектарга етказдик. Шу ҳисобга аъзоларимиз сони ҳам кўпайиб 107 кишига етди. Пахта экишдан эса бутунлай воз кечдик. Кўпроқ даромад олиш ва иш сўраб келаётганларни иш билан таъминлашни кўзлаб шундай қилдик. Чунки, пахтачиликда бир киши 5—6 гектар ерга бемалол қараб улгуриши мумкин. Сабзавотчиликда эса 1 гектар ерга бир киши банд бўлиши турган гап. Бўлмаса ишни эплаш қийин. Бундан ташқари жамоа аъзолари ва қолаверса хўжаликнинг чорвасини ҳам озми-кўпми озуқа билан таъминлашимиз зарур. Бунинг учун эса ер керак. Шундай қилиб, бу йил 45 гектар ерда сабзавот, 25 гектар ерда полиз етиштирдик, озроқ майдонда боғ-роғлар ташкил этдик, бедазор, маккажўхоризорни кенгайтирдик. Ҳозирча узил-кесил ҳисоб-китоб чиқарилганича йўқ-ку, бироқ дадил айтишим мумкин. Бу йил сабзавот ва полиздан оладиган соф даромадимиз 600 минг сўмдан кам бўлмайди.

— Қандай яхши. Айрим хўжаликларда эса 200—300 гектар ерда сабзавот етиштириб, шунчалик даромад олиша олмайди-ку. Мана сизга ижарачининг, моддий манфаатдорликнинг куч ва қудрати. Чунки ижарачи гапнинг тўғриси, энг аввало ўзини ўйлайди. Бу ишни бундай қилсам, бундай фойда чиқади. Агар ҳосил яхши бўлса, оладиган даромадим бунча бўлади, деб олдиндан чамалаб, ҳисоб-китоб қилиб юради-да!

— Бўлмасам-чи.

— Уруғни ҳам ўзларингиз тайёрлайсизларми?

— Бошқа илож йўқ. Рўзномангизда босилган Калинин ноҳиясидаги хўжалик раиси Рашид Каримовнинг «Ким кафолат беради» суҳбатида бу масала жуда тўғри кўтарилган деб ўйлайман. Ҳақиқатан ҳам уруғчилик идоралари, хўжаликлари етказиб берадиган сабзавот ва полиз уруғига ишонч йўқ.

— Сизларда бир ижарачининг ўртача ойлик маоши қанчаданга тўғри келаяпти?

— Ўтган йили 600 сўмданга айланди. Ҳали нарх ошмаган пайтида бу маошни анча юқори деб айтсак бўларди. Бу йил 750—800 сўмданга тўғри келмоқда. Нархлар эса кўтарилиб кетди. Албатта, бу кам-да.

— Уни кўпайтириш ўзларингизга боғлиқ-ку.

— Тўғри, минг сўм ва ундан оширишга ҳам қурбимиз етади. Лекин сал одамга ўхшаб яшашимиз, ҳовли-жойимизга ҳам қараб, у ёқ буёғимизни тузатиб олишимиз ҳам керак. Мен бу ўринда ижарачиларимизга, одамларга хизмат кўрсатадиган қурилишларни айтаяпман. Бу ишлар учун 1990—93 йилларда бир миллион сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган.

— Ҳозир қурилиш қандай бораяпти?

— Замонавий услубдаги дала шийпони қуриб битказилди. Чойхона, новвойхона иш бошлади. Таъмирлаш, баллонларни ямаш устахоналари хизматидан ҳам кўпчилик мамнун бўлаяпти. Фирма магазинимиз бор. Бу ерда ўзимизда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан савдо қилинади. «Нилуфар» кафеси ҳам фойдаланишга топширилди. «Шароф» чойхонаси тез кунда ишга тушади. Ҳаммом қураяпмиз. Тегирмон келгуси йилнинг май ойида ишга тушади. Минг тонна маҳсулот сақлашга мўлжалланган омборхона, чорва қишлови учун молхона қурилаяпти. Ошхона битиш арафасида. Ҳа, айтгандек, кафе қошида музқаймоқ цехи ҳам ишга тушганлигини айтиш керак.

— Буларга хом ашёни қаердан оласизлар?

— Ўзимиздан чиқади-да. Ердамчи хўжалигимизда 20 бош қорамол боқилмоқда. Шундан 12 таси сигир. Кунига кам деганда 100—120 литр сут соғиб олинаяпти.

— Гўштдан қийналмаяпсизларми?

— Йўқ, деб айтсам ҳам бўлади. 150 бош қўйимиз бор. Сўқимга ва бўрдоқига мол ва қўй боқилади. Ойига ҳар бир одамга ўртача 5—6 килограммдан арзон нархда гўшт сотамиз. 20 та йилқи ҳам боқаяпмиз. Келгусида қази қилиб сотиш, қимиз тайёрлаш ниятимиз ҳам йўқ эмас. Аҳолини озми-кўпми зиғир мойи билан таминлаб турибмиз. Шу мақсадда зиғир майдонини кенгайтириб борамиз. Дастлаб 4 гектарга эккан эдик, бу йил 10 гектарга етказдик. Мойжувозда бир кунда 25 килограмм мой тайёрланаяпти. Бундан ташқари эрта баҳорда 100 та асалари уясини сотиб олганлар эса 500 тага етказмоқчимиз.

— Гапнинг қисқаси ҳаммаси одамлар учун денг.

— Бош мақсад шу-да. Улар қийналишмасин. Меҳнат қилгандан сўнг роҳатини кўришсин, деймиз-да. Шундай бўлса, мен ўйлайманки, улар биздан эмас, биз улардан талаб қилишга ботина оламиз. Ахир шу кунгача тескариси бўлиб келди-ку.

— Қишга тайёргарлик қандай?

— Ҳар ҳолда ҳаракат қилаяпмиз. 50 тонна картошка, 30 тонна пиёз, 8 тонна буғдой ғамлаб қўйдик. 4 тонна кунжутимиз бор. Айни қирчиллама қиш кунларида гўштга сўйиб тарқатиш учун 5 та қорамолни сўқимга боқаяпмиз. Ҳар бир хонадонга 40 килограммдан гурунч, 200 килограммдан пиёз, моли борларга ем-хашак берамиз.

— Шарифжон ҳожи, чамамда нуқул ишдан сўзлашиб, газетхонларни зериктирдик. Мана сиз Ҳажга бориб келдингиз. Дунё кўрдингиз. Қандай хулоса чиқардингиз? Ҳамма нарса қиёслланганда билинади-да.

— Очиғини айтганда менинг дунёқарашларим бутунлай ўзгариб кетди. Бундай ўйлаб қарасам, ҳақиқатан ҳам биз шу вақтгача пахтанинг қули бўлиб келган эканмиз. Ҳақиқий эркинликни, мустақилликни, озодликни мен ўша ерларда кўрдим. Меҳнатнинг қадрига етиш қандай бўлишини ўз кўзим билан кўрдим. Ҳамма бир маромда, тинч, осойишта, хотиржам яшайди. Бир-бирига қаттиқ гапириб, қўрслик қилиш, асабга тегиш йўқ. Хушмуомала, тавозе ҳар ким учун одатий фазилат. Одамлар бир-бирига шу қадар оқибатли, меҳр-шафқатли туйилди-ки менга, очиғи ҳавасим келди. Тўкинчилик, серобгарчиликни айтмайсизми. Магазинлардан хоҳлаган нарсангизни, хоҳ кийим-кечакми, озиқ-овқатми, бемалол керагича сотиб олишингиз мумкин. Навбат кутиш йўқ. Илтимос қилиш, «шапка»сини бериш ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Қайтага у ёки бу магазинга кириб харид қилсангиз, бунинг учун сизга раҳмат дейишади. Келиб туринг деб хушмуомала билан кузатиб қўйишади. Ана шу ҳақда ўйлар эканман, жумҳуриятимиз президенти Ислом Каримовга, унинг жасоратига қойил қолиш керак. Айтиш мумкинки, у киши халқини, унинг келажагини, бахт-саодатини ўйлаб, юрак ютиб ўз жонларини гаровга қўйиб, тинчликлари, ҳузур-халоватларидан воз кечиб мустақиллик эълон қилинишининг ташаббускори бўлдилар. Биз ҳар хил иғволарга асло йўл қўймаслигимиз, у кишини ёнига киришимиз, ёлғизланиб қолишларига йўл бермаслигимиз, аҳиллик, иноқлик билан, уюшқоқлик билан, меҳнат билан, мустақилликни кўпчилик бўлиб ҳимоя қилишимиз, бу йўлда қийинчиликлардан чўчимаслигимиз зарур.

— Ҳақ гапни айтаяпсиз. Мустақилликка, эркинликка нима етсин. Мана сиз ижарачи бўлиб олиб, озроқ бўлса-да, мустақилликни ҳис этиб, катта-катта ишларга қўл ураяпсизлар. Тўғрими? Мен баъзан ўйлайман. Шундай экан, нима учун жамоаларда ижарачилар кўпаймаяпти. Улар жуда озчиликни ташкил этади. Ахир бизда ишбилармонлар кўп-ку. Ёки етишмайдими?

— Гапни сўнгги саволингизга жавоб беришдан бошлайман. Мақтаниш эмас-ку, бизнинг миллатимиз, мусулмон халқи табиатан ишбилармон халқ. Яна ўша ёқлардан мисол келтирай. Мен Арабистонда бўлганимда катта-катта нуфузли ишбилармонларни кўрдим, суҳбатлашдим. Улар ўзбек миллатига мансуб одамлар. Бу билан ҳам фахрландим, ҳам ўкиндим, афсусландим. Ахир бир вақтлар уларнинг оталари ноҳақ қатағон қилинганликлари учун қувғинга учраганлар. Елкаларига чопонларини ташлаб, ўз юртларидан чиқиб кетишга мажбур бўлганлар. Мен учрашган, суҳбатлашган ўзбек ишбилармонлари эса ўша одамларнинг фарзандлари-ку. Агарда улар қувғин қилинмаганларида уларнинг бу фарзандлари ўз юртимизда камол топиб, шу ерда ишлаганларида қанча кўп фойда келтиришлари мумкин эди. Қизиқ, капиталистик дунёнинг қонун-қоидаларига қойил қолиб, тан бермасдан иложингиз йўқ. У ерда миллат ажратишмайди. Сен келгиндисан, келгиндининг фарзандисан, деб турткилашмайди. Қўлингдан иш келадими, бемалол, марҳамат, ҳунарингни, маҳоратингни кўрсат. Лекин ҳалол бўл, пок бўл, ўғрилик қилма, виждонингни сотма, бировнинг ҳақига кўз олайтирма!

Бизда эса узоқ вақт ишбилармонларни чиқиштиришмади. Мана энди оз-моз эркинлик, мустақиллик берилаётгандек. Лекин ҳали ҳам бор. Ҳали ҳам тўсиқлар, бюрократлар йўқ эмас. Шунинг учун ҳам ижарачиларнинг кўпайиши қийин бўлаяпти. Бунинг боиси маълум. Агар ижарачи кўпайса, раҳбар қисқариши керак-да. Битта жамоа хўжалигини 4—5 киши бошқарса бўлади. Қолганларининг эса далага чиқиб ишлашларига тўғри келади.

— Барибир ўша ҳаммага мақбул бўлаётган йўлдан бормасак бўлмайди.

— Кўпчиликнинг ҳам фикри шундай. Яқинда Вазирлар Маҳкамаси йиғилиши ҳисоботини ўқиб — келгуси йилда пахта майдонлари қисқатирилади, шулар ҳисобига чорвачилик фермер хўжаликлари ташкил этилади дейилган гапларни ўқиб, хурсанд бўлдим. Ўзини оқламаётган, зарар келтирилаётган хўжаликлар ерларини ижарачиларга бўлиб бериш кўп сабобли иш бўларди. Айрим ҳолларда аксинча бўлаяптику. Ўзларининг одамларини амал билан таъминлаш учун ўзи чўкиб қолаёзган хўжаликни иккига бўлиб, раҳбар — раҳбарчалар сонини кўпайтиришаётганига нима дейсиз.

— Афсус, шундай ҳоллар йўқ эмас. Лекин охири яхши бўлмайди.— Сир эмас, сабзавотчилик, боғдорчилик билан шуғулланаётган кўп хўжаликлар, ижарачи жамоалар юқорида айтиб ўтганимиздек, ўзлари етиштираётган маҳсулотларни бошқа жумҳуриятлар билан келишилган ҳолда бартер усулини қўллаб айирбошлаяпти. Ўзларида йўқ нарсаларни олиб келиб, халққа тарқатишяпти. Бу ўз-ўзидан бўлмаяпти. Илгари тузиб қўйилган шартномалар амал қилаяпти-да, Лекин 1992 йил учун тузиладиган иттифоқ шартномаси эса ниҳоятда кечикиб кетаяпти. Бундан одамлар хавотир бўлаяптилар.

— Ҳақиқатан ҳам биз шартнома ҳалигача тузилмаётганлигидан ташвишдамиз. Айримлар эса, мана энди биз мустақил бўлдик, иттифоқ шартномаси, умуман иттифоқнинг кераги йўқ, деб айтишяпти. Улар чучварани хом санашяпти. Ҳамма бойлигимиз, ноз-неъматимиз ўзимизники, ўзимиз тасарруф қиламиз, ўзимиз ўз кунимизни кўрамиз деб ўйлашяпти. Қаттиқ янглишишяпти. Биз узоқ йиллар давомида бир-биримизга занжирдек боғланиб қолганмиз-ки, бу занжирни бирданига узиб ташлаб алоҳида ажралиб чиқиб яшай олмаймиз. Тенг ҳуқуқли, адолатли иттифоқ биз учун ниҳоятда зарур. Акс ҳолда ишимиз юришмайди. Ҳозир биз етиштираётган ноз-неъматлар ўз эҳтиёжимизга етиш у ёқда турсин, ошиб-тошиб кетади. Агар уни келишилган шартнома асосида бошқа минтақаларга етказиб бермасак, у ҳолда нима бўлади. Не-не машаққатлар билан етиштирган маҳсулотларимизнинг кўп қисми исроф бўлиб кетади. Иқтисодимиз зиён кўради. Шунинг учун иттифоқ шартномасининг тезроқ тузилиши ва имзоланиши тарафдоримиз.

— Боя биз етиштираётган маҳсулотлар эҳтиёжимиздан ортиқ, ошиб-тошиб қолади дедингиз. Бу яхши эмасми? Бозорларда серобгарчилик бўлади. Нарх-наво арзонлашади.

— Бундай қараганда тўғри деб айтиш мумкин. Лекин биргина сабзавот, меваچева, озиқ-овқатни сероб бўлгани билан турмуш ҳар жиҳатдан тўкис ва яхши бўлмайди-ку. Ҳозирча ўзимизда йўқ бўлган ва ниҳоятда камчил қурилиш материаллари, айрим турдаги хўжалик, уй-рўзғор анжомларини қаердан оламиз? Булар эса қўшни жумҳуриятларда сероб. Пулга сотишмайди. Бизда бор бўлган ноз-неъматларга алмашишади. Эҳтимол бир вақтлар келиб, бундай буюмларни ҳам ўзимизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилар. Унда бошқача шароитда ишлармиз. Буни келажак кўрсатади. Лекин бу мақсадга эришиш учун эса ҳамма ерда ҳам гап сотишни камроқ қилиб, ишлаш, меҳнат қилиш керак. Афсуски, ҳозир орамизда ишламасдан ейишга ўрганганлар, лоқайдлар, дангасалар кўпайиб кетганга ўхшайди.

— Фикрингиз тўғри. Биз ҳам гапни қисқароқ қила қолайлик. Суҳбатингиз учун раҳмат!..

Суҳбатдош Н. РИҲСИЕВ.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ДАВЛАТ МУАЛЛИМЛАР ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

ҚУЙИДАГИ КАФЕДРАЛАР БЎЙИЧА БЎШ ЛАВОЗИМЛАРГА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ўзбек ва рус тилида ўқитиладиган мутахассисликлар бўйича

МУДИРЛАР:

— машина бошқаруви (I);
— жисмоний тарбия (I)

ўзбек ва рус тилида ўқитиладиган мутахассисликлар бўйича ЎҚИТУВЧИЛАР:

— жисмоний тарбия (3);
— фалсафа (I);
— меҳнатни ўқитиш методикаси ва меҳнат (I)
— математика ва математикани ўқитиш методикаси (I)
— информатика ва ҳисоблаш техникаси (2)
— олий математика (1)
— мусиқа ва тасвирий санъат (I)
— жўғрофия (I)
— биология (I)
— бошланғич ўқув методикаси (I)
— Ўзбекистон халқлари тарихи (I)
— муаллимлик (I)
— ўзбек тили ва адабиёти (3)
— рус тили ва адабиёти (I)
— немис тили (I)

Танлов муддати — 12 ноябргача.
Мурожаат учун манзил: 702500, Ангрен шаҳри, 48 квартал, 1 «в» уй.

ГАЗ АСБОБЛАРИНИ ИСИТИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРЛАШ ПАЙТИДА

сув иситиш ва иситиш печларининг дудбуронлари ва шабадалатиш каналларининг соз ҳолда бўлишига АЛОҲИДА ЭЪТИБОР БЕРИНГ!

Дудбуронларнинг қурум босиши, унга бегона нарсаларнинг тиқилиб қолиши, печ деворларидаги дарз ва ёриқлар ёниш маҳсулотларининг хонада тўпланиб қолишига ва ис газн билан заҳарланишига олиб келади.

Дудбуронларни қурганда унинг уй томи билан туташган ерида эҳтиёт чоралари кўрилмаган ёки бунга тўлиқ риоя этилмаган тақдирда ёнғин чиқиш хавфи туғилади.

УЙ-ЖОЙЛАР ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ХИЗМАТИ РАҲБАРЛАРИ, УЙ ЭГАЛАРИ ВА КВАРТИРАЛАРДА ЯШОВЧИЛАР!

Иситиш мавсуми бошлангунга қадар Сизлар иситиш ва иситиш-қайнатиш печлари ва қозонларининг техник ҳолатини, дудбуронларнинг фойдаланиш учун яроқлилигини текшириб чиқишингиз шарт. Зарур бўлиб қолган ҳолларда уларни таъмирлашингиз зарур.

Дудбуронларнинг техник аҳволини кўнгилли ўт ўчириш жамиятининг мутахассислари текшириб чиқадилар.

Далолатномаларни текшириб натижалари билан бирга район (шаҳар) газ хўжалиги хизмати ёки ишлаб чиқариш участкаларига тақдим этиш шарт.

Дудбуронларнинг техник ҳолати ҳақидаги далолатномалар тақдим этилмаган газ асбоблари газ таъминоти тармоғидан узиб қўйилади.

«ТАШОБЛГАЗ» ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИ.
«ЭРА» ТАЖРИБА-ТИЖОРАТ АГЕНТЛИГИ.

● ТОШКЕНТ вилоятидаги Тошкент ноҳиясига қарашли «Ўзбекистон 50 йиллиги» жамоа хўжалиги далаларида бу йил мўл-кўл силосбоп маккажўхори етиштирилди. СУРАТЛАРДА: (юқорида) миришкор маккажўхорикорлар (чапдан) Баҳром Ҳожиев, Ҳикмат Эржонов ва бригада бошлиғи Хайрулла Бўрибековлар бу йилги ҳосил чўғини чамалаб кўришяпти; далада маккажўхори ўрими пайти.

Ф. АБДУРАСУЛОВ олган суратлар.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

• МАМЛАКАТЛАР • ОДАМЛАР • ВОҚЕАЛАР •

● ЯПОНИЯ Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Ранси Кэндзи Миямото Атами (Сизуока префектураси) шаҳрида бўлиб ўтган умумпартиявий конференцияда сўзга чиқиб, Япония Коммунистик партияси Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг қайта тиклинишига қарши эканлигини айтди. Ўз нуқтаи назарини баён этган К. Миямото Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ҳамиша «гегемонлик ва социалистик империализм» қиёфасини шакллантириб келганлигини таъкидлади. Шу боис, деди у, бу партия фақат тарихдагина қолиши лозим.

● ҲИНДИСТОН Миллий Конгресси (И) партиясининг собиқ раиси, собиқ бош вазир Ражив Ганди ўлдирилгандан сўнг қатор шахслар қотил сифатида қўлга олинган эдилар. Куни кеча яна бир Ирумборан деган кимса фитнада қатнашган шахс сифатида ҳибсга олинди. У Тамил миллатчилик ҳаракатининг фаол аъзоларидан бири деб, шубҳа қилинмоқда.

● ЭФИОПИЯНИНГ ЭНА ахборот агентлиги хабарида илгари ўз мамлакатини ташлаб кетган барча қочоқлар Эфиопияга қайтиб келгудек бўлса, уларга озиқ-овқат ҳамда кундалик маҳсулотлар сотиб олиш учун зарур барча ёрдамлар кўрсатилади, деб таъкидланди. Қочоқларнинг кўпчилиги ҳозирги пайтда Сомали ҳудудида туришибди. Қайтиб келганлар учун ёрдам бир йил давомида кўрсатилади. Сомалининг Борэна вилоятида муваққат лагерларда истиқомат қилаётган 140 минг нафар эфиопияликлар яқин кунлар ичида ўз ватанларига қайтиш истагини билдирдилар.

● АФҒОНИСТОН ҳукуматининг қўшинлари Гардез шаҳрига ҳужум қилган «муросасиз оппозициячилар» қисмларининг ҳужумларини муваффақиятли даф этди. Рейтер ахборот агентлиги Исломобод шаҳридан берган хабарида мужоҳидлар позициясига ракеталар билан зарба берилиши натижасида ҳамда осмондан туриб бомбардимон этилиши оқибатида исёнчи жангарилардан 70 нафар киши ҳалок бўлди, дейилади. Фуқаролар уруши бошланганидан буён ўтган 13 йил мобайнида Гардез остоналаридаги олишув энг қонли тўқнашувлардан бири бўлди. Пактия вилоятининг маркази ҳисобланган Гардез шаҳрини мужоҳидлар 30 сентябрдан буён қўлга киритиш учун ҳаракат қилмоқдалар.

● МАЪЛУМКИ, бундан бир неча кун бурун Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида Руминиянинг шу мамлакатдаги элчиси номаълум шахслар томонидан ўғирлаб кетилган эди. Яқинда ПТИ ахборот агентлиги бюросига қўнғироқ қилган кимса ўғирлик «Холистонни озод этувчи арслонлар» деб аталган гуруҳнинг иши эканлигини тан олди. Шу орада шаҳар ноҳияларидан бирида элчининг «Дачна» маркали машинаси, шунингдек, у ўғирлаб кетилган машина топилди. Қўнғироқ қилган кимса ўғирлашга доир тафсилотларни айтмади.

● ЧЕХО-СЛОВАКИЯ Коммунистик партияси Марказий Комитети Раёсатининг собиқ аъзоси, Прага коммунистларининг раҳбари Мирослав Штепан 1989 йил 17 ноябрь воқеаларидан сўнг 2,5 йил муддат билан қамоқ жазосига ҳукм этилган эди. Яқинда Штепан қамоқхонадан озод этилди. Қамоқхона ходимлари М. Штепан ҳибсхонада ўзини жуда намунали тутганлиги туфайли муддатидан илгари бўшатилганлигини таъкидладилар. Эндиликда М. Штепан эсдалик китоблари ёзиш билан машғул бўлажаклигини айтди.

● ГЕРМАНИЯ социал-демократлари жуда қиммат турадиган қирувчи самолёт «Егер-90» шартномасида қатнашишдан мамлакат дарҳол бош тортиши керак, деган таклифни ўртага ташладилар. Бу ҳақда ДДП мухбири билан суҳбатлашган ГСДП партиясининг парламентдаги фракцияси мутахассиси Вальтер Кольбов гапириб, Германия ўз қўлига киритмоқчи бўлган янги самолётлар 135 миллиард долларнинг бошини ейди, деди. Бунинг ўрнига В. Кольбов анча арзон турадиган «МИГ» тонфасидаги совет қирувчи самолётларини сотиб олишни тавсия этди.

● БОЛГАРИЯДА Халқ мажлиси ҳамда маҳаллий ҳокимият органларига сайловлар бошланди. Мамлакат фуқаролари сайлов давомида парламентга 240 нафар депутат, шунингдек, жамоа кенгашлари ҳамда жойлардаги кмет (маҳаллий ҳокимият раҳбарлари)ларни сайлайдилар. Сайлов кампанияси... 40 дан ортиқ партия ҳамда уюшмаларнинг вакилларн иштирок этмоқдалар.

● ИРОҚДА тафтиш ишларини олиб бораётган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ядровий қуроллар бўйича мутахассислари Ироқ томонидан кўзда тутилган ядровий режалар мажмуаси рўйхатини ўзларига топширишни тавсия этдилар. Бундай талабни ифода этувчи масалалар рўйхати ўтган шанба куни Ироқ вакилларига топширилди. БМТ мутахассислари жавобнинг аниқ муддатини ҳам белгиладилар.

● ЖАҲОНДАГИ саноати ривожланган энг йирик ўттита мамлакатнинг Бангкок шаҳрида бўлиб ўтган молия вазирлари кенгашидан сўнг мазкур давлатлар вазирлари ўз ўринбосарларини Совет Иттифоқига юбориш хусусида қарор қабул қилдилар. Молия вазирларининг ўринбосарлари Совет Иттифоқидаги иқтисодий вазиятни тўлиқ ўрганиб чиқишлари керак.

● *Воқеа арафасида*

ФАРЗАНДЛАРИНГИЗ КЎПАЙСИН

ВИҚОРЛИ тоғлар этагидаги бу иншоот табиат билан шундай уйғунлашиб кетганки, узоқроқдан у мовий уммондаги кемани эслатади. Қурилиш майдончасига қадам қўйишингиз билан фойдаланишга топшириш арафасидаги шошилиш, жўшқинлик суронига дуч келасиз.

Ўзи Ғазалкентнинг энг хушманзара, хушҳаво жойини туғуруқхона учун танланиши турмушимизда минг афсуски кам учрайдиган зукколик аломатидир. Йигирма биринчи асрнинг фуқаролари ёруғ дунё билан юз кўришганларида, албатта, кўкрагини тўлдириб шу мусаффо тоғ ҳавосидан нафас олишлари жуда-жуда муҳим. Бу ердаги сокинлик эса фарзандига ҳаёт ато этиб, дунёнинг энг буюк мўъжизасини яратган оналар учун ҳам, уларнинг мурғак чақалоқлари учун ҳам фойдали.

Ҳозир сўнгги сайқал берилаётган бу иншоотлар мажмуи ноёблигидан ҳайратланар экансан, яна надоматлар бўлсинким, ғурур туйғуларига бир томчи ачиниш ҳисси қўшилади. Бўстонлиқ районида бунёд этилаётган, жумҳуриятда ягона ҳисобланган туғуруқхона мажмуи 1989 йилдаёқ дастлабки ҳомиладор аёлларни қабул қилиб олиши керак эди.

Начора, ҳеч бўлмагандан кеч бўлгани ҳам маъқул. Туғуруқхонанинг бош врачи Иброҳим Ниёзматов туғуруқхона билан таништира бошлайди:

— Туғуруқхона олти бинодан иборат. Мана буниси 130 ўринли. Икки, уч, тўрт аёлга мўлжалланган хоналардаги мана бу ойналарга эътибор беринг-а. Оналар улар орқали қўшни хонадаги чақалоқларини бемалол кўра оладилар.

Туғуруқхона мажмуида, шунингдек, кунига 120 нафар беморни қабул қиладиган поликлиника, 120 ўринли гинекология бўлими, учта жарроҳлик хонаси, физиотерапия, электрокардиография, рентген хоналари бор.

Беморлар учун ҳамма қулайликларга эга бўлган ошхона, автомат телефон станцияси, тиббиёт асбоб-ускуналарини стерелизация қилиш хонаси, кир ювиш хонаси ҳам мавжуд. Буларнинг ҳаммасида энг замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилганини алоҳида таъкидлаш керак. Масалан, кир ювиш, дазмоллаш ишлари механизациялашган. Жарроҳлик рентген хоналаридаги тиббий асбоб-ускуналар ноёблиги билан ажралиб туради. Биноларда лифтлар ҳам ўрнатилган.

Бир сўз билан айтганда, туғуруқхона мажмуи ажойиб даволаш масканидир. Унинг ишга туширилиши, ҳеч шубҳасиз, районимиз ҳаётида катта воқеа бўлади.

Қурувчилар ана шу қувончли кунни яқинлаштириш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Бош пудратчи — «ЧорвоқГЭСстрой» бош муҳандиси вазифасини бажарувчи Л. И. Азгарованинг ҳозирги кунларда вақти тиғиз. Шундай бўлса-да, у туғуруқхона қурилиши ҳақида икки оғиз гапириб берди:

— Бу ноёб қурилишда 3 миллион 764 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши керак. Бундан 2 миллион 759 минг сўми монтаж ишларига сарфланди. Касалхона мажмуидаги пардозлаш ишларини ниҳоясига етказишда Н. Д. Левченко раҳбарлик қилаётган участканинг Г. Константинова, Т. Термякова бригадалари жамоалари фидойилигини таъкидлаш керак. Бизнинг олдимизда бугҳона машина-ускуналарини ўрнатишдек мураккаб иш турган эди. Жамоамиз бунинг ҳам уддасидан чиқди. Шу кунларда бугҳона синаб кўриляпти.

Машина ва ускуналар, тиббиёт жиҳозларини ўрнатишга биз ёрдамчи пудратчилар — «Электросибмонтаж» ва «Медтехника» ташкилотларини ҳам жалб этганмиз.

Қурилиш ниҳоясига етгач, иншоотни тезроқ фойдаланишга топшириш учун бу ердаги ишларни мувофиқлаштириш бўйича махсус штаб фаолият кўрсатмоқда. Унинг мажлисларида пудратчилардан ташқари республика соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоят ижроия комитети, вилоят Соғлиқни сақлаш бўлими вакиллари иштирок этиб, пайдо бўлаётган муаммоларни тезлик билан ҳал этиш чораларини кўрмоқдалар.

Куни кеча штаб навбатдаги мажлисида яна энг долзарб вазифалар кўтарилди. Шундан фойдаланиб, биз мутасаддиларни суҳбатга тортамиз.

А. Қ. ЭРГАШЕВ — «Узбекгидрострой» трестининг бошлиғи:

— Бир сўз билан айтганда, бу жуда савобли қурилиш. Уни бунёд этишда бизнинг қурилиш ташкилотларимиз қатнашганликларидан хурсандмиз. Ушбу туғуруқхона келгуси аср даволаш муассасаларидан қолишмайди. У Бўстонлиқ райони аёлларига арзигулик совға бўлади, деган умиддамиз.

Ҳ. ҲАМИДОВ — халқ депутатлари вилоят ижроия комитети раисининг муовини:

— Ҳар сафар ана шундай штаб йиғилишида олдимизда турли муаммолар кўндаланг бўляпти. Уларни биргалашиб, тезкорлик билан ҳал этяпмиз. Мақсадимиз бир — тезроқ хотин-қизларимизга ушбу масканни тортиқ қилсак.

А. ИУЛЧИЕВ — халқ депутатлари Бўстонлиқ район Кенгашининг раиси:

— Мана қурилиш ниҳоясига етяпти. Биз ҳашар йўли билан унинг ҳудудини ободонлаштириш ишларини ҳам бошлаб юбордик. Исми жисмига монанд бўлсин, дейишади. Шундай ноёб туғуруқхона теварак-атрофи ҳам чиройли, кўркам бўлишига астойдил ҳаракат қилмоқдамиз. Бизни шифокорлардан ҳам талабимиз катта бўлади. Чунки шунча меҳнат, маблағ ҳисобига бунёд бўлаётган шифохонада ҳалол, сидқидилдан меҳнат қилиш керак.

С. А. НАРЗИҚУЛОВА — соғлиқни сақлаш вазирлиги бош акушер-гинекологи:

— Чет элларда янги қурилган туғуруқхоналардан 4—5 йил фойдаланишар экан, холос. Кейин юқумли касалликлар тарқалмаслиги учун унинг ўрнига янгиси қурилар экан. Бизда эса 50—60 йилдан бери фойдаланиб келинаётган туғуруқхоналаримиз бор. Бўстонлиқликлар бу энг замонавий даволаш муассасаларидан фахрлансалар арзийди. Бундай туғуруқхоналар келгусида жумҳуриятимизда кўпайишига умид қиламиз.

Жумҳурият бош «доя»синнинг бу умидига ҳар бир онанинг қўшилишига ишончимиз комил. Ана шундай кошоналар остонасида аёлларимизни гуллар билан қарши олайлик. Уларга халқимизнинг энг ажойиб фотиҳасини берайлик:

«Фарзандларингиз кўпайсин!»

Адолат НОСИРОВА,
Тошкент вилоят ижроия комитети хотин-қизлар, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш секторининг мудири.

ҚАЛБДА ТИКЛАНГАН ЁДГОРЛИК РАМЗИ

ИНСОН ўртанса, мажруҳ кўнгил нидосини қалбининг қаърига сиғдиролмай, шуурида акс этган ёлғончи дунёга дардли нигоҳини тикканида, ич-ичингдан ҳуруж қилган аллақандай безовта ҳислар оғушида қоласан-у, илк бор унинг вужудида исён кўтарган оловли ҳароратнинг тафтини туйгандек сесканиб, жимирлаб кетган баданингдаги титроқ бир-ла унга парвона бўлиб, хонани тарк этишни истамаётган «ХОТИРОТ»нинг аламли оғушини ҳис қилгандай бўласан.

Биласан, у нимани ўйлаётганини, биласан-у калтангга келган бемаъни, бироқ мантиқий ўйдан чўчиб тушасан...

— Ё, худоим, ахир у ҳам...

Балким Қўчқор ўзи ҳам бу ҳақда ўйлагандир, бироқ уни қийнаётган дард бу эмас...

«... Момолар йўқловини эшитишдан оғир дард бормикин? «... Кўзи очиқ кетган болам-а...» Сиз ҳаммани йиғлатдингиз. Қарорингизда гул терган санамлар кўз ёш тўкиб, эгачилар ортингиздан чирқиллаб қолди... Тобутингизни кўтарган оталар қадди дол бўлиб, кўнгли мусибатдан сўкилди. Юртнинг шоирлари ортингиздан куйди. «Мулки афғон бўлиб кетган ўғлонлар»...

Мана, унинг юрагига оғриқ бераётган дард... Йўқ, бу кам... Бу дардни тушунмоқ эмас, ҳис қилмоқ керак.

Қўчқор Норқобилнинг «афғон» ҳақидаги хотираларини илк бора ўқиганимда узоқ вақт ҳаёлга чўмиб қолдим. Нимадир етишмаётгандек бўлди. Ҳароратли сатрлардан жунбушга келган туғён вужудимни ларзага солди. Англадим-ки, Қўчқор «қоғоз» билан дардлашаётганида, юрагидан отилиб чиққан дардларини ҳам жумласига жо қилган. Кўз ўнгида жонланиб, унга маъюс тиқилиб турган қуролдош ўртоғининг чеҳрасида қотиб қолган қонни кўрган... балким бу қонни артмоқ бўлиб талпингандир... Сўнгра бунинг рўё эканлигини билиб «ХОТИРОТ» туғдирган аламли зардоблардан эзилгандир. Босиб-босиб тамаки тортганича уни — қуролдош ўртоғини йўқлагандир. У эса йўқ, энди ҳеч қачон бўлмайди ҳам... Йўқловлар ҳавога

ЁДНОМА

сингаверади... Ўйлаб кўрсам, менга ҳам ўртоғининг шаҳид кетган жонли сиймоси етишмаган экан...

Мақолани ўқиганлар ҳам ўша тунни ўн саккиз ёшида умри ҳазон бўлган ўсмир ҳаёлида бедор ўтказган бўлишса ажаб эмас.

«... сен ҳамон ҳув ўша тоғларда гул териб юрасан, қўшиқ айтиб юрасан, фақат тушларимда...»

Илк бор Қўчқорнинг «афғон» ҳақидаги мақоласи «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномасида эълон қилинганида, кўпчилик ҳайратга тушган эди, чунки ёлғон пардасини кўтарган ҳақиқат жуда аччиқ ва изтиробли эди.

Қўчқор эса ёзарди... Қалбида шаҳидларга тиклаган ёдгорликни бўй-басти билан эл кўришини истарди.

«Оғир оғриганда халқнинг юраги
Беҳуда қон тўккан қурбонлар учун
Тақдир, биз яшашга тўймаган эдик
Кар бўлиб қолсайдим, онажон...

Бу сатрларни чекланган шўро қўшинларининг афғон тупроғидан олиб чиқилганига икки йил тўлиши муносабати билан «Ёш Ленинчи» рўзномасида эълон қилинган «Биз ҳали ҳаётга тўймаган эдик» мақоласида ўқидим. Яна ўйга толдим. Қўчқорнинг, жони ўзга эл тупроғида қолган сафдошлари ким ўзи? У ёзганидек, «Алдамчи дунё гўдаклари»ми? Бу саволга ҳануз жавоб тополмайман.

Гоҳо қалбидаги изтироб юзига кўчган тенгдошимга тикилиб, унинг нигоҳларидан маъни уқмоқчи бўламан. Шоирлик иқтидори тўйинтирган мисраларни жўшиб ўқиётганида бу маънони топгандай бўламан...

Ахир у шоир-ку... Тақдир, нақадар бағритошсан! «Ишқнинг озорига сиғиниб» шеър битишга яралган банданга, не учун қонли жангоҳларни раво кўрдинг. У буни бутун бир умр ҳазм қилолмайдику...

«Мен йигирмада одам ўлдиришни истамаган эдим. Шу ёшимда беҳуда қурол тутмай, шеърлар ёзсам бўларди-ку. Ким учундир гуллар узсам бўларди-ку. Бармоқларим тундай қора толимли соч толаларига қўмилса, кўнглимни соф нурларига суйгангинам чўмилса бўларди-ку».

Бу жумлалар — Қўчқорнинг дил иқрори...

Тўғри, у шеърлар ёзаяпти... Унинг бироз мунгли изтиробга йўғрилган сатрларининг мухлислари ҳам мўл, бироқ хотирот унга бир лаҳза ҳам тин бермайди.

Ўлаяпман... Онамнинг баҳрини қўмсар
Қонимга кўмилиб хор бўлган таним...
Хайр. Онам учун йиғланг ошнолар.

Қалбида қад кўтарган шаҳид ўғлонлар ёдгорлиги бугун изтиробли, оловли жумлалар орқали ҳаммага, бутун Ўзбекистонга бўй кўрсатиб туришини истаган Қўчқор Норқобилга тилагим битта:

— Ниятинг йўлдошинг бўлсин, дўстим!

Б. МИРЗАҚОБИЛ.

Усмон Носир мукофотига номзодлар орасида ёш, иқтидорли шоир Қўчқор Норқобил ҳам бор. Унинг номзоди сўнгги йилларда вақтли матбуотда эълон қилинган шеърлари ва «афғон уруш» хотиралари учун кўрсатилган. Чунки у собиқ «афғончи»... «Афғон уруши» ҳақидаги бор ҳақиқатни элга етказмоққа интилаётган Қўчқор Норқобил номзоди бу мукофотга лойиқдир.



ЎЛИМ

(АФҒОНИСТОНДА ҲАЛОК БЎЛГАН ЖАНГЧИ ХОТИРАСИГА)

Бўғзимда қирқ жоним потирлаётир,
Қарғимда осмон, тоғу-тош ёнар...
Онам мени шул дам хотиралаётир
Ўлсам
Онам учун йиғланг ошнолар.
Дунё тирноғимга арзигани йўқ.
Не кўрдим,
дунёси алдагани рост.
Менинг кўкрагимни тешиб ўтган ўқ
Онамнинг кўксига қадалди бехос.
Розийдим шу ерда чирилиб ётсам
Бир лаҳза бошимга келса Ватаним.
Ўлаяпман...
Онамнинг баҳрини қўмсар
Қонимга кўмилиб хор бўлган таним...
Хайр, Онам учун йиғланг ошнолар.

Қўчқор НОРҚОБИЛ.

ЭЪЛОНЛАР БУРЧАГИ

Диққат!

ЙИГИТЛАР ВА ҚИЗЛАР!

Агар Сиз техника лицей гуруҳига кирмоқчи ва келгусида техника дорилфунунида ўқишни давом эттириш ниятида бўлсангиз С. И. Қадишев номидаги 83-ҳунар-техника билим юрти Сизни 6 ойлик математика ва она тилидан пулли тайёрлов курсларига таклиф этади.

Ўқишга 9 йиллик мактаб ўқувчилари ва кундуэги мактабнинг 9-синф ўқувчилари қабул қилинади.

Тайёрлов курсларида топширилган битирув имтиҳонлари айни пайтда техника лицейларига кириш имтиҳонлари ўрнига ўтади.

АРИЗАЛАР — 1991 ЙИЛ 31 ДЕКАБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР —1992 ЙИЛ 2 ЯНВАРДАН БОШЛАНАДИ.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Генерал Петров кўчаси, 331-уй. (29, 6-трамвайлар ва 110, 119, 30, 151, 192-автобусларнинг «Билим юрти» бекати).

Телефонлар: 96-58-20, 96-39-72, 96-49-64.

Маҳалла комитетлари ва бахтли ўғил ота-оналари диққатига!

Агар сиз ўғлингизнинг суннат тўйида болангизга қувонч бағишлаш мақсадингиз бўлса, «ТОЙЧОҚНИ» ЧАҚИРСАНГИЗ БАС!

Фирма ходимлари ўғлингиз орзуси бўлмиш чиройли ясатилган тойчоқни сиз айтган манзилга шартлашилган вақтингизга етказиб беришади.

Биз сизга пулингизни иқтисод қилишингизга ёрдам берамиз, чунки ижарага олиш — сотиб олишдан кўра ҳар қалай арзон.

Маълумотлар олиш учун телефон: 45-74-15.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ МАСЛАҲАТ ПОЛИКЛИНИКАСИ ҚОШИДА

беморларни қабул қилиш ва аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишга доир

ПУЛЛИК ХИЗМАТЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ:

ҚАБУЛ ҚУИИДАГИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТОМОНИДАН ОЛИБ БОРИЛАДИ:

уролог, кардиоревматолог, невропатолог, психоневролог, аллерголог, терапевт, гинеколог, нина санчиб даволовчи шифокор, мануэль терапия ва уқалаш бўйича мутахассис.

Текширишнинг функционал ва лаборатория усулларидан қуйидагилар қўлланилади: ЭКГ, текширишнинг рентген усуллари, УЗД, биокимёвий ва клиника анализлари.

Манзилимиз: Куйбишев райони, Луначарский узун кўчаси, 152-уй, Севастополь кўчаси, «Совғалар» дўкони қаршисида.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 67-72-97, 67-67-07.

«СТРОЙМЕХАНИЗАЦИЯ» БОШ БОШҚАРМАСИ

«МИНОРАЛИ КРАН МАШИНИСТИ»

ТАЙЁРЛАЙДИГАН ҚУНДУЗГИ ЎҚИШГА

18 ёшга кирган қизларни ва Совет Армиясида хизматни ўтаб келган ва Ўзбекистон вилоятларида яшайдиган йигитларни

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Ўқиш муддати — 5 ой.

Ўқиш мобайнида ҳар ойда 150 сўмдан ойлик берилади.

Бошқарма ёлғизларни ётоқхона ва прописка билан таъминлайди.

Манзилгоҳимиз: Ҳ. Сулаймонова кўчаси, 49-уй. (1, 8, 10-троллейбусларда «ОДО» бекати).

Кадрлар бўлими телефони: 33-08-54.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/Х да **Тақдир эшиги**, 16/Х да **Нажот истаб**, 17/Х да **Келинлар қўзғолони**, 19/Х да **Жар**, 20/Х да **Хотинлар «гап»идан чиққан ҳангома.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 16/Х да **Фарҳод ва Ширин** (премьера, 18.30), 17/Х да **Фарҳод ва Ширин** (премьера, 18.30), 18/Х да **Куёвлар конкурси**, 19/Х да **Юсуф ва Зулайҳо**, 20/Х да **Кулги ва шодлик**, 21/Х да **Анқовлар чайқови.**

АБРОР ҲИДОЯТОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/Х да **Паранжи сирлари**, 16/Х да **Гўзаллар ва миршаблар**, 17/Х да **Қопқон**, 18/Х да **Алдагани хотин яхши** (премьера), 19/Х да **Фармонбиби аразлади**, 20/Х да **Лақма куёв.**

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР ЕТИШТИРИЛАДИ

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДАГИ яшил бойликлар орасида шифобахш ўт-ўланлар, турли фойдали гиёҳлар ҳам кўп. Ҳисоб-китобларга қараганда, қадимдан маълум бўлиб, инсон сиҳат-саломатлиги йўлида доривор ўсимликлар сифатида қўлланиб келинаётган гиёҳлар тури 90 тадан ортади. Бугунги кунда уларни тиббиёт саноати орқали қайта ишлаб, шифобахш доривор сифатида чиқариш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этмоқда. Бу хайрли ишда Ўзбекистон жумҳурияти Фанлар академияси Ботаника боғи жамоаси ҳам фаоллик кўрсатмоқда. Олимларнинг изланишлари туфайли бу яшил дов-дарахтлар масканида талайгина доривор ўсимликлар намуналари тўпланиб, уларни кўпайтиришга киришилди.

«Фармация» жумҳурият ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли хўжаликларда ҳамда Бўстонлиқ ноҳиясидаги «Правда» газетаси 50 йиллиги» номли давлат хўжалигида бундай фойдали яшил бойликларни кўплаб етиштириш тадбирлари кўрилди.

А. АКБАРОВ.

● **ШИФОКОР.** Бу оддийгина сўз тагида қанчалар маъно борлигини ҳурматли муштарийга айтиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Уйқусиз тунлар, ёмғирли, қорли кунларга қарамасдан бемор ёнига ошиқишлар, гоҳо ўз ҳаётини хавф остида қолдириб бўлса ҳам инсон умрига умр қўшиш учун курашишлар, ҳамма-ҳамласи кўз ўнгимизда гавдаланади. Сир эмас, баъзан аёллар соғлиғи посбонлари ҳақида кам эслаймиз. Бу соҳа нажоткорлари инсон соғлиғи учун курашадилар: онанинг ва боланинг. Шоир айтганидек, «Юрагидан янги юрак очирган она»лар устида парвона бўладилар. Бундай ҳислатлар кўпгина шифокорлар каби Тошкентдаги Собир Раҳимов район 2-туғуруқхонасининг кўпли енгил дўхтирлари, ҳамшираларида мужассам. Шифохона ҳамшираларининг бошлиғи Дилфуза Шоисаева, бу ерга келганида ҳали жуда ёш эди. У болалигидан тиббиёт сирларини ўрганишга ошиқарди. Турмушга чиқди, иккита қиз кўрди. Иккаловини ҳам ўз йўлига бошлади.

Бош ҳамшира «таниш» деган сўзни ёмон кўради. Унга ҳамма бирдек баравар. Даволанувчиларга меҳрибонлиги, жонкуярлиги билан шифохонада юксак ҳурмат, эътибор топиб бормоқда.

СУРАТДА: катта тиббий ҳамшира Дилфуза Шоисаева (ўртада), ҳамшира Зарофат Тошпўлатовалар иш устида.

Суратқаш Д. АҲМАД.

БУ ТУРФА ОЛАМ

ОКЕАНДАН ДОРИ

● **ЯПОНИЯ** овқатланиш илмгоҳининг оқсиллар лабораторияси ходимлари майда арктика қисқичбақаси — крилдан қон босимини камайтирувчи моддани ажратиб олишга муваффақ бўлдилар. Ҳар ҳолда қаламушларга шундай таъсир қилмоқда.

Гипертония билан оғриган каламушларни криль билан боқиш натижасида қон босими тезда нормал ҳолга келиб, жониворлар унча ёғлиқ бўлмаган чўчқа гўшти билан боқилган ва гипертонияси бўлган каламушларга қараганда 50 кун ортиқ яшаган.

Шундан кейин биокимёгарлар крилнинг турли таркибий қисмларини синаб кўриш натижасида қон босимини пасайтирувчи моддани ажратдилар. Бу пептид бўлиб, у учта аминокислота — лейцин, лизин ва тирозиндан иборат экан. Агар тирозин триптофан билан алмаштирилса, самара ўн баравардан ортиқ бўлади. Ҳозирча пептидни каламушларга вена қон томири орқали юборилянти. Айни вақтда эса у оғиз бўшлиғи орқали юборилса ҳам таъсир қилиш даражасини аниқлаш юзасидан синов олиб борилянти. Кейинчалик инсонларда ҳам тажриба ўтказиш назарда тутилмоқда.

АЛИФБЕ ОСМОНДАН КЕЛАДИ

● **ҲИНДИСТОН** коинот агентлиги мамлакатда саводсизликни тугатиш муаммосини ҳал қилиш учун коинот техникасидан фойдаланиш лойиҳасини олдинга сурдилар. Агентлик ўқиш ва ёзишдан теледарсларни исталган чекка қишлоққа етказиб бериш мақсадида иккита сунъий йўлдош учиришни назарда тутишяпти. «Грамсат» («грам» сўзи ҳиндча бўлиб, қишлоқни билдиради, «сат» эса «сателлит» — «йўлдош» сўзининг қисқача ифодаси) дастури бўйича бутун Ҳиндистондаги 560 мингта майда қишлоқ аҳоли манзилгоҳларига хизмат кўрсатиш мўлжалланган. Ҳозирги вақтда мамлакатдаги 70 фоиз қишлоқ аҳолиси саводсиздир. Лойиҳа қиймати 150 минг доллар бўлади, деб кутилмоқда. Биринчи йўлдош 1995 йилда учирилиши керак.

БУ ТУРФА ОЛАМ

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Муҳаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 325748, 337916; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 325750; бўлимлар: мафкура — 325778, 337010; қишлоқ хўжалиги — 325647; саноат, қурилиш ва транспорт—325749; маҳаллий Кенгашлар ҳаёти—325733; ижтимоий масалалар — 325556; маданият — 325767; адабиёт ва санъат — 325553; ёшлар ҳаёти, ахборот, ҳарбий-ватанпарварлик ва спорт — 325645; хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; жамоатчи кенгаш қабулхонаси — 334048, 325354; эълонлар бўлими — 325727.

● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриёти нинг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Нашр кўрсатгичи: 6124.

Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 20.00. 44 минг нусха босилди.